Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
1 IYUN
SHANBA
№ 68-69 (26.928)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

31 май куни Навоий шаҳрида халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва заҳиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан кам топилади.

Мамлакатимиз саноатининг фахри ҳисобланган йирик-йирик корхоналарда ишлаётган кўп миллатли аҳил жамоалар, оғир чўл шароитида тобланган фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда.

Сессияда раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, хусусан, уларни ўқитиш ва тажрибасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғайбулло Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Бахриддин Рўзиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Хатирчи тумани ҳокими Э. Турдимов, Навоий кон-металлургия комбинати бош муҳандиси Е. Толстов, «Шамс-Навоий» кичик корхонаси раҳбари Ш. Жамолов, Навоий туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ж. Ражабова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар.

■ (ЎзА)

Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Бугун халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қўйилган масала ҳақида ҳаммангиз хабардорсиз.

Айтиш мумкинки, бу масала кун тартибида тасодифан пайдо бўлгани йўқ. Навоий вилоятидаги бугунги аҳвол, иқтисодий-ижтимоий вазият тобора кўпайиб, кескинлашиб бораётган, одамларимизнинг кайфиятига салбий таъсир қилаётган муаммолар — буларнинг барчаси ушбу сессия кун тартибига қўйилган масала билан бевосита боғлиқ, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун ҳам асосий масалага ўтишдан олдин сизлар билан мана шу муаммолар ва бундай вазиятни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида атрофлича фикрлашиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада илгари Бухоро вилояти таркибида бўлган бу ҳудудда янги Навоий вилоятининг ташкил қилинишини, бундай қарорга келишда қандай эзгу мақсад ва орзу-умидлар кўзда тутилганини бир карра эслаб олсак, менимча, ўринли бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаммамизнинг кўз ўнгига, аввало, бу воҳада мавжуд бўлган ер усти ва ер ости бойликларининг улкан ва ноёб заҳиралари келади.

Маълумки, бу саховатли заминда юздан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган.

Чиндан ҳам, Оллоҳ назари тушган бу тупроқда олтин ва кумуш дейсизми, уран ва вольфрам дейсизми, норуда ва кимёвий хомашёлар дейсизми, мармар ва гранит дейсизми — бундай нодир бойликларнинг барчаси бор.

Шу маънода, Навоий вилоятини Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва бетакрор хазинаси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу ердаги кўпгина конлар ўзининг ноёб хусусиятлари ва заҳиралари нуқтаи назаридан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда камдан-кам топилади. Мурунтов, Довгизтоғ, Кўкпатас, Омонтойтоғ каби олтин конлари, Қизилқумдаги фосфорит кони мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам яхши маълум.

Бу маълумотлар, албатта, оддий мутахассисларга ҳам аён, лекин воҳанинг иқтисодий салоҳиятига бошқа манбалар, айтайлик, замонавий аэрокосмик ва геодезия техникаси орқали олинган маълумотларга асосланиб баҳо берадиган бўлсак, унинг бағрида яна қанча-қанча табиий бойликлар, ноёб заҳиралар яшириниб ётганига, уларнинг ҳажми ва кўлами эса стратегик жиҳатдан истиқболли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, бу вилоят ўзининг иқтисодий салоҳиятига кўра алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиши учун барча асослар бор эди ва шуларни ҳисобга олиб, бундан йигирма йил муқаддам бу ерда Навоий вилояти ташкил этилган эди.

Афсуски, совет тузумининг сўнгги йилларида айрим калтабин раҳбарларнинг собиқ Марказга яхши кўриниш ниятида, олиб борган сиёсати туфайли шундай улкан имкониятларга эга бўлган вилоят тугатиб юборилган эди.

Биз 1992 йилда бу воҳанинг беқиёс салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг табиий бойликларини Ватанимиз тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилдириш мақсадида, шу ерда яшайдиган одамларнинг келажагини ўйлаб, Навоий вилоятини қайтадан ташкил этганимиз, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, тарихий нуқтаи назардан ҳам, ўйлайманки, адолатли иш бўлган эди.

Гарчи Навоий вилоят сифатида нисбатан ёш бўлса-да, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу воҳа ўзининг узоқ тарихига, кўҳна илдиз-томирларига эга.

Бунинг исботини шу заминда азалдан мавжуд бўлиб келган Кармана шаҳри, Работи Малик, Нурота каби қадимий манзиллар, Тошмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз каби обидалар, Қосим шайх, Ориф Деҳгароний каби азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида кўришимиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси бу ерларда асрлар давомида ўтроқ бўлиб, шу тупроқда илдиз отиб, унга садоқат билан меҳру муҳаббатини бахш этган фидойи, ғурури баланд инсонлар яшаганидан далолат беради.

Албатта, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу заминнинг тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин биз вилоятнинг бугунги куни, бу ҳудудда яшайдиган одамларнинг ҳозирги ҳаёти, вилоятнинг истиқболи тўғрисида кўпроқ бош қотиришимиз, қайғуришимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий вилояти улкан иқтисодий салоҳиятга эга экани ҳаммамизга маълум. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» бирлашмалари, «Электрохимзавод» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз саноатининг фахри саналади.

Энг муҳими, бу саноат корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзимизда катта заҳиралари бўлган маҳаллий хомашё ва шу билан бирга, замонавий технологиялар асосида ишлайди. Демакки, бу корхоналарнинг истиқболи ва келажагига ишончли кафолат бор, деб айта оламиз.

Шуни ғурур-ифтихор билан таъкидлаш керакки, нисбатан қисқа — 30-35 йиллик тарихга эга бўлган бу корхоналарда моддий бойликлар яратиш билан бирга, оғир чўл шароитида тобланган, кўпмиллатли аҳил меҳнат жамоалари шаклланди, юқори малакали муҳандис ва ишчиларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди.

Ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнати билан бугунги кунда вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металларнинг 69 фоизини, цементнинг 34 фоизини, минерал ўғитларнинг 41 фоизини етказиб бермоқда. Бу кўрсаткичлар ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Лекин бугунги кун бизнинг олдимизга йирик, ўта муҳим масала ва вазифаларни қўймоқда. Корхоналаримизни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллий хомашёларни кўпроқ ва кенгроқ ишлатиш, маркетинг хизматини тўғри йўлга қўйиш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, айни вақтда харидоргир бўлмаган маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини қисқартириш сингари долзарб вазифаларни ўз вақтида ҳал эта олмаганимиз ишимизнинг пировард натижаларига бугун салбий таъсир ўтказмоқда.

Энг муҳими, ана шу корхоналар ва ташкилотларда ишни замонавий усулда ташкил қилиш, ишчиларни рағбатлантириш, мулкни давлат тасаррафидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларини ўз вақтида ечиш ҳозирги пайтда долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Вилоятда бугун чет эллик шериклар билан тузилган 25 та қўшма корхонадан атиги 8 таси саноат соҳасида фаолият кўрсатаётгани, табиийки, бизни қониқтирмайди.

Ўтган йилнинг ўзида 5 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 миллиард сўмга камайгани, 2000 йил кўрсаткичлари билан қиёслаганда, 25 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига йўл қўйилгани, ҳозирги кунда корхоналар омборларида 14 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай ётгани ҳам шундан далолат беради.

Бунинг натижасида наинки вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам қанчалик зарар етишини тушунтириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

Маълумки, мамлакатимизда чет эллик сармоядорларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли ҳуқуқий замин, қулай имтиёзлар тизими яратилган. Лекин вилоятда хорижий ҳамкорлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмагани натижасида Навоий шаҳридаги «Қизилқум-Рус-Нур» ва «Прибор» каби қўшма корхоналар тўхтаб қолган.

Чет эл сармояларини жалб этган ҳолда, замонавий қўшма корхоналар очиш — иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги энг асосий масала экани қайта-қайта таъкидланаётганига қарамай, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учқудуқ туманларида ҳозирга қадар биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганини, ҳокимларнинг бу муҳим ишга лоқайд муносабатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят корхоналаридан атиги 3 таси, у ҳам бўлса, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш бирлашмалари ўз маҳсулотини ташқи бозорга олиб чиқмоқда. 2001 йилда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 16 фоизга камайиб кетгани ташвишга солмасдан қўймайди.

Навоий вилоятининг иқтисодий ривожида қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Ўтган йили бу ерда 76 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, 43 миллиард сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирилганини таъкидлаш жоиз.

Бироқ, сўнгги йилларда мана шу муҳим соҳада ташвишли вазият юзага келмоқда. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш бўйича режалар сурункасига бажарилмаяпти. Бунинг асосий сабаби — қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик юритиш интизомининг бўшашиб кетгани, иқтисодий ислоҳотларнинг изчил ва самарали жорий этилмаётгани билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди.

2001 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларнинг 33 фоизи бажарилмагани ҳам ана шундан далолат беради.

Энг ёмони, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволининг оғирлашувига олиб келмоқда.

Қуйидаги рақамларга эътибор берайлик.

2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг жами дебиторлик қарзлари 2 миллиард 175 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 5 миллиард 467 миллион сўмни ташкил этган. 285 та хўжалик эса ўтган йилнинг 439 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Вилоятдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий аҳволини ўнглаш учун биз зарур чора-тадбирларни кўряпмиз, албатта. Масалан, ўтган йиллар мобайнида бу ерда вужудга келган объектив шарт-шароитни инобатга олиб, вилоят хўжаликларининг қарийб 5 ярим миллиард сўм миқдоридаги қарзларидан кечилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. М. РЎЗИЕВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Бахриддин Муртазаевич Рўзиев Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. Д. ДИЛОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ғайбулло Дилович Дилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Навоий вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувнинг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш;

реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўлланишга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;

миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш;

сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;

маҳаллий компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш.

2. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида юқори мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий халқаро тенденцияларга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос келувчи устувор йўналишларини белгилаш;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Н. Ориповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари комплексининг раҳбари – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош директори этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулла Ниғматович Орипов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари комплексининг раҳбари — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Бош директори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 май

ОНА ВА БОЛА ШИФО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида пойтахтимизда Республика Перинатал маркази фойдаланишга топширилди. У «Соғлом авлод» давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова марказнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мазкур замонавий тиббий марказнинг очилиши ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар сирасидандир.

Саккиз бўлимдан иборат янги марказнинг асосий фаолияти оналар хасталаниши ҳамда ўлимининг олдини олиш, турли хил туғма нуқсонлар билан дунёга келган чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. У замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Муассаса Республика Скрининг маркази, Акушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институти ҳамда болалар тиббиёт тармоқлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият юритади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

■ **Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири**

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК, ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТИШ – ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ БУРЧИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу — давлатимиз томонидан оғир вазиятдан чиқиб олиш учун хўжаликларга берилган катта бир имконият, албатта. Лекин бунга жавобан вилоятда изланиш, ташаббус кўрсатиш, ишни тўғри ташкил этиш ўрнига боқимандалик кайфияти кўзга ташланаётгани, ҳосилдорлик даражаси пасайиб бораётганини афсус билан айтишга мажбурмиз.

Ўтган йили Хатирчи ва Қизилтепа туманларидаги 7 та хўжаликда гектаридан олинган пахта ҳосили 18 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай нохуш ҳолат дон етиштиришда ҳам учрамоқда. 2001 йилда суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги Хатирчи туманидаги «Оқ олтин» хўжалигида 15,5, Қизилтепа туманидаги Ал-Бухорий номли хўжаликда 12,6, «Маликчўл» хўжалигида 11,5, Навбаҳор туманидаги Жамбул номли хўжаликда эса атиги 7,5 центнерни ташкил этган, холос.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи, асосий бойлигимиз бўлган ерга нисбатан муносабат барчани ташвишга солмоқда.

Ердан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ўтган йили 2 минг 57 гектар майдоннинг экин экилмасдан қолиб кетгани, 1 минг 828 гектар ер эса ҳисоботдан яширилгани аниқланди.

Жумладан, Қизилтепа туманида 107 гектар, Навбаҳор туманида 96, Хатирчи туманида 67 гектар чигит экилган майдондан бир центнер ҳам ҳосил олинмаган.

Сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш Навоий чўл зонасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида сувдан ва суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун вилоят раҳбари Ғ. Дилов қаттиқ огоҳлантирилган эди.

Лекин, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ўтказилган текширишлардан маълум бўлдики, бу камчилик ва нуқсонлар ҳанузгача давом этмоқда.

Вилоятда ҳозирги кунда 2 минг 648 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларни қўллаб-қувватлаш, техник ва ахборот хизмати кўрсатиш, минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлашда ёрдам бериш, лизинг хизматига доир масалаларни ҳал этиш ҳамон қониқарсиз аҳволда.

Буни ўтган йили фермер хўжаликлари азотли ўғитлар билан 64 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 24 фоиз, калийли ўғитлар билан эса атиги 6 ярим фоиз миқдорида таъминланганидан ҳам билса бўлади.

Шу сабабли фермер хўжаликлари томонидан пахта ва дон етиштиришда кескин ўзгариш кўзга ташланмаяпти. 2001 йилда вилоят бўйича фермер хўжаликлари пахтадан ўртача 22 центнер, ғалладан эса 25,6 центнер ҳосил олган, холос.

Фермерлар томонидан бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, ўтган йили вилоятда фермер хўжаликларининг гўшт етиштиришдаги улуши 1,6 фоизни, сут маҳсулоти бўйича 3 фоизни, тухум етиштириш бўйича эса атиги ярим фоизни ташкил этган.

Бу соҳада рўй бераётган камчиликларнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчиларга зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмаяпти.

Мисол учун, пахта етиштириш шартномасини бажарган оилавий пудратчиларга берилиши лозим бўлган 3 минг 262 тонна пахта ёғидан фақат 155 тоннаси, 14 минг 679 тонна кунжарадан 230 тоннаси, 11 минг 417 тонна шелухадан 217 тоннаси деҳқонларга тарқатиб берилган, холос.

Деҳқон меҳнатига беписандлик билан қараш бундай бемаъни ҳолатга чек қўйилди, албатта. Лекин бунинг учун Президент девони ходимларининг бу масала билан шуғулланишига тўғри келди.

Савол туғилади: нахотки, вилоятда деҳқон манфаатини ҳимоя қилиб, масалани ўртага қўядиган, уни ҳал этиб берадиган бирон раҳбар топилмаса? Ахир, вилоятнинг ўзида ҳам бевосита шу масалага жавобгар бўлган ҳокимлар бор, прокурор бор, турли идоралар бор. Хўш, булар қаёққа қарояпти ўзи?

Вилоятда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунсиз равишда аралашиш, ортиқча текширишлар ҳам, афсуски, ҳали-ҳануз камаймаяпти. Тадбиркорлар томонидан ўз қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя этилишини сўраб, вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиш ҳоллари 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 59 фоизга кўпайгани, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахсларнинг 321 таси маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилгани ҳар биримизни ўйлантириши, тегишли хулосалар чиқаришга даъват этиши зарур.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Азиз дўстлар!

Табиийки, вилоятда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни танқид қилиш билан бирга, вазиятга холисона баҳо берадиган бўлсак, бундай ҳолатларга олиб келадиган кўпгина объектив сабабларни ҳам инобатга олишимиз зарур.

Навоий вилоятининг ер ва иқлим шароити мураккаблиги, бунинг устига, сурункасига икки йил рўй берган қурғоқчилик оқибатлари, экологик муаммолар, ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги, кўпгина корхоналар ва хўжаликларнинг молиявий аҳволи танглиги каби сабаблар шулар жумласидандир.

Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин, фақат шу ҳолатларни баҳона қилиб, қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Масалан, мана шундай объектив сабаблардан бири — ерларнинг мелиоратив ҳолатини оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, Хоразмда ёки Қорақалпоғистонда аҳвол бундан яхшими? Ёки қўшни Бухоро ва Қашқадарёнинг тупроқ шароити сизларникидан яхшими?

Агар Навоийда ерларнинг шўрланганлик даражаси 67 фоиз бўлса, бу кўрсаткич Бухорода 91, Хоразмда 97 фоизни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан, Хоразмда юқори ҳосил олишга эришиляпти-ку!

Мен, ўрни келганда, хоразмлик миришкорларнинг меҳнатига, деҳқончилик маданиятига тан бериб, уларни ҳақиқий қаҳрамонлар, деб айтган гапимни яна бир бор такрорламоқчиман. Чунки Хоразм деҳқони қишнинг изғиринида ҳам, баҳорнинг ёғин-сочин кунларида ҳам даласида мардона меҳнат қилиб, юзлаб-минглаб гектар ернинг шўрини ювади. Нима, Навоийда деҳқонларнинг табиати бошқачами, бу ишлар уларнинг қўлидан келмайдими?

Келади, албатта. Қизилтепа туманидаги «Шодиобод» фермер хўжалиги пахта топшириш шартномавий режасини 210 фоизга, Хатирчи туманидаги «Юсуф Турон» фермер хўжалиги 163 фоизга, Навоий туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги 130 фоизга бажаргани бунинг исботи эмасми?

Ёки Қизилтепа туманидаги «Олмазор» фермер хўжалиги аъзоларининг гектарига 80 центнердан зиёд ғалла ҳосили етиштиргани, Конимех туманидаги «Конимех» ва Абай номли, Томди туманидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжаликларида ҳар юз бош совлиқдан қарийб 120 тадан қўзи олингани Навоий вилоятида ҳам ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор одамлар кўплаб топилишидан далолат беради.

Бу воҳанинг ҳали-ҳануз тўла ишга солинмаётган имкониятлари ҳақида гапирганда, биз аввало қорақўлчилик соҳасини ҳам назарда тутамиз. Чунки, бу вилоят ўзининг бетакрор табиий шароитига кўра қорақўлчиликнинг асосий базаси ҳисобланади.

Айтайлик, Томди ва Учқудуқ, Нурота ва Конимех туманларининг белоён яйловларида қимматбаҳо хомашё берадиган қоракўл қўйларнинг энг зотдор наслларини етиштириш мумкин. Мамлакатимизнинг бошқа бирон-бир ҳудудида бу тармоқни шу даражада ривожлантириш имкони йўқ.

Шуни қайд этиш зарурки, вилоятда қоракўл қўйлар сони кейинги бир йилнинг ўзида 35 минг 300 тага кўпайиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, бир миллиондан ошиб кетди. Ҳар йили 240 мингга яқин қоракўл териси тайёрланмоқда. Бу тармоқ маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаи бўлибгина қолмай, катта экспорт салоҳиятига ҳам эга эканини ҳаммангиз яхши биласиз.

Шу билан бирга, қоракўлчилик хўжаликлари бор имкониятлардан тўла фойдаланяпти, деб бўлмайди. Жаҳон бозорида талаб катта бўлган қоракўлчилик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, қўйларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, мавжуд яйловларни сақлаб қолиш, чўпонлар учун зарур турмуш шароитини яратиб бериш — барчамизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вилоятдаги мавжуд аҳвол ва муаммолар ҳақида гапирар эканмиз, бу ерда ишсизлик муаммоси ҳамон жиддий масала бўлиб қолаётганини айтиш лозим. Ўтган йили бандлик хизмати идораларига иш сўраб мурожаат қилган 24 минг кишидан 8 минг нафари иш билан таъмин этилмаган. Уларнинг 70 фоизи хотин-қизлар эканини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг нечоғли долзарблиги янада аён бўлади.

Бу муаммонинг ечими туман марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам саноат корхоналари, маиший хизмат тармоқлари, ҳунармандчилик шаҳобчалари ташкил этишни талаб қилади.

Бу соҳадаги ишга катта салбий таъсир кўрсатиб, тўсиқ бўлиб турган масалалардан энг асосийси, у ҳам бўлса, вилоятда ўтирган мутасадди раҳбарларнинг тадбиркорликка интилиб, ўз ишини бошламоқчи бўлиб юрган ақл-заковатли, ташаббускор одамларга етарли эътибор бермаслиги, ўз вазифасига совуққонлик билан қарашидир.

Буни ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектларига товар-хомашё биржалари орқали сотилган моддий-техникавий ресурслар ҳажми 55 фоизга камайиб кетгани ҳам тасдиқлайди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш, уларга банклар томонидан кредитлар ажратиш борасида юз бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам тадбиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Ўтган йили вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш, уларга ер майдонлари ажратиш ва тижорат банклари томонидан кредитлар бериш масаласи ўрганилганда 13 мингдан зиёд ҳолатда амалдаги қонун бузилишлари содир этилгани аниқланган.

30 дан ортиқ ҳолатда вилоят ва туман ҳокимликлари, 34 ҳолатда эса тижорат банклари раҳбарлари тўрачилик, таъмагирлик билан аризаларни ўз вақтида рўйхатга олмаган ёки рад этиб, ортиқча ҳужжатлар талаб қилган.

Ҳатто вилоят ҳокимлигида ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ариза ва шикоятларини белгиланган тартибда қайд этиб бориш ишлари йўлга қўйилмаган. Навбаҳор тумани ҳокими эса 18 та хўжалик юритувчи субъект раҳбарларини жаримага тортиш тўғрисида асоссиз фармойиш чиқаргани ҳеч қандай ақлга сиғмайди.

Вилоятда янги уй-жойлар барпо этиш, аҳоли яшайдиган мавзеларни ободонлаштириш масаласи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Кўп жойларда йўлларнинг ҳолати, кўчаларнинг қиёфаси ачинарли аҳволда.

Бу ҳақда гапирганда, ғайритабиий бир ҳолат одамни таажжубга солади. Бир томондан, бу ерда замонавий инфратузилмага эга бўлган Навоий, Зарафшон каби шаҳарларни, иккинчи томондан эса, улар билан мутлақо солиштириб бўлмайдиган қишлоқ манзараларини кўриш мумкин.

Барчамиз вилоятдаги шўро давридан қолиб келаётган бундай бирёқлама ёндашувга барҳам бериш вақти аллақачон етганини англаб олишимиз керак.

Бу, албатта, катта куч ва маблағ талаб қиладиган иш. Лекин, барака топқурлар, ташаббус аввало кимлардан чиқиши керак?

Яна ва яна такрор айтмоқчиман, ўзимиз яшаётган юртимизни, қишлоқ-шаҳаримизни, маҳалла-хонадонимизни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, йўлларимизни равон қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ишларини ўзимиз қилмасак, уларни биров четдан келиб бажариб бермайди-ку!

Бир вақтлар мен Андижонда бошланган бундай ибратли ишлар ҳақида Қувада бўлганимда ҳавас қилиб гапирган эдим. Тушунган одамларга бир оғиз сўз кифоя экан, ҳозир Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида, шаҳар-қишлоқларида каттаю кичик йўл ва майдонлардаги кўркам манзараларни, кишининг кўзини, қалбини беихтиёр қувонтирадиган савобли ишларни кўриб, ҳар қайси инсоннинг кўнгли, руҳи сўзсиз очилиб, яйраб кетади.

Ўйлайманки, бундай ишларни ташкил қилиш, халқимизни шу каби олижаноб, ҳар томонлама хайрли ташаббусларга бошлаш учун фақатгина битта нарса керак. У ҳам бўлса, раҳбарларнинг, етакчиларнинг уйғониши, юртимизни обод этиш, турмушимизни озгина бўлса ҳам енгил қилиш учун фидойилик кўрсатиши, жон куйдириши керак.

Ҳурматли дўстлар!

Навоий вилоятида ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар орасида барчамизни айниқса безовта қилиши лозим бўлган бир масала борки, у бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш билан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги 238 та мактабда дарслар икки сменада, 4 та мактабда эса уч сменада олиб борилаётгани, 10 та мактаб ночор аҳволда экани, 21 та мактабда эса қурилиш ишлари тугалланмай ётгани ҳам бу соҳада анчамунча муаммолар йиғилиб қолганидан далолат беради.

Кўпгина қишлоқ мактаблари баъзи фанлар бўйича ўқитувчилар билан тўла таъминланмаган. Жумладан, чет тили фани бўйича 310 та, жисмоний тарбия бўйича 350 та, меҳнат фани бўйича 130 та ўқитувчи етишмайди.

Текширув жараёнида аниқланган маълумотларга кўра, Навоий вилояти битирувчиларнинг билим савияси бўйича мамлакатда энг қуйи ўринда туради. Бу ҳол шу масалага бевосита жавобгар бўлган мутасаддиларни, вилоят ва туман ҳокимларини, Халқ таълими вазирлигининг раҳбарларини безовта қиляптими-йўқми, билмадим, лекин шахсан мени қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Биз ҳар бир шаҳар ва туманда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари бунёд этиш масаласига нафақат бугунги, балки эртанги кунимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашишимиз, ажратилган маблағ ва ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

2001 йил давомида қурилиш-монтаж ишлари суст олиб борилгани сабабли Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмади.

Вилоятда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мактабларнинг 62 фоизи спорт заллари, 21 фоизи футбол, 13 фоизи эса волейбол майдонлари билан таъминланмаган бўлса, ёшларни қандай қилиб спортга жалб этиш, уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш мумкин?

Мана, сизларга қўшни бўлган Бухоро вилоятини олайлик. У ерда кейинги йилларда қандай замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари бунёд этилганини универсиада ўйинлари орқали кўрдик. Энг муҳими, ҳамма гап бу масалага жиддий эътибор беришда, ташаббусга ташаббус қўшиб, одамларни эзгу ишларга сафарбар эта билишда.

Таассуфки, вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Айниқса, ихтисослашган замонавий тиббий муассасалар ташкил этишдаги сусткашлик туфайли бу борадаги хизмат сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Хусусан, вилоятда ҳар 10 минг кишига 36 та даволаш ўрни тўғри келиши ҳеч кимни қониқтирмайди. Чекка ва олис туманларда қишлоқ врачлик пунктлари, малакали шифокорлар етишмаслигини инобатга олиб, бу масала бўйича зарур чора-тадбирларни кўришимиз даркор.

Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, бир неча турдаги оғир юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ҳам қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу соҳада ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, қасддан одам ўлдириш, суицид қилиш, автотранспортни ўғирлаш каби жиноят турлари бўйича кўрсаткичлар пасаймаяпти.

Айниқса, қасддан оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик ва товламачилик сингари жиноятлар сони кескин ошгани, содир этилган жиноятларда вояга етмаганлар ва ўқувчилар иштироки ортиб бораётгани барчамизни хушёр торттириши даркор.

2001 йили вилоятда 202 та жиноят очилмай қолган. Содир этилаётган қотилликларнинг 60 фоизи оилавий можаролар оқибатида келиб чиқаётганини инобатга олсак, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари қаёққа қараяпти, деган ҳақли эътироз туғилиши табиий.

Энг ачинарлиси, баъзан вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳам турли жиноятлар содир этилмоқда.

Масалан, Навбаҳор туман судининг собиқ раиси У.Рустамов жиноят ишини енгиллаштиришни ваъда қилиб, 1 миллион 500 минг сўм пора олаётганида қўлга тушган. Зарафшон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Н. Назаров, А.Омонов, Ф. Аҳмедовлар эса фуқаро Н. Қодиров томонидан содир этилган оғир жиноятни яшириб, пора олган.

Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари А. Ризоқулов ва Х. Аҳмедовлар фуқаро М.Эрназаровни жиноий жавобгарликка тортиш билан қўрқитиб, товламачилик йўли билан пора олаётган пайтда қўлга тушган.

Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган одамларнинг ўзи шундай жирканч ишларга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиш мумкин?

Муҳтарам юртдошлар!

Биз раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш ҳақида кўп гапирамиз. Нега деганда, олдимизда турган вазифаларни бажаришда кадрларнинг билимдонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамият касб этади, керак бўлса ҳал қилувчи ўрин тутади.

Навоий вилоятида амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасидан лавозимларга тайинлаш, уларни босқичма-босқич юқори вазифаларга тайёрлаб бориш, ўқитиш ва тажрибасини оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Вилоятда раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш ёмон бир одатга айланган.

Масалан, кейинги уч йил ичида вилоят ҳокимлигининг агросаноат мажмуи котибияти мудири етти марта, ҳокимликнинг ишлар бошқарувчиси эса олти марта алмаштирилган.

Биргина 1999-2000 йиллар мобайнида 101 та қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбарларининг 72 фоизи, жумладан, Хатирчи туманида 95 фоиз, Қизилтепа туманида 70 фоиз, Навбаҳор туманида 62 фоиз ходимлар турли баҳона-ю сабаблар билан алмаштирилгани вилоятда кадрлар қўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолганидан далолат беради. Энг ёмони шундаки, бундай тинимсиз кадр алмаштиришлар ишни яхшилашга ҳеч қачон хизмат қилмаган ва хизмат қилмайди.

Энди бугунги сессия кун тартибидаги асосий масалага ўтадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, бундан уч ярим йил олдин мана шу залда Ғ. Диловни катта ишонч билан вилоятга биринчи раҳбар этиб тасдиқлаган эдик. Эътироф этиш керак, дастлабки йилларда унинг фаолиятида маълум бир интилишлар ва ҳаракатлар ҳам кўзга ташланди. Лекин, барчамизга аёнки, Навоий вилоятининг ҳаёти ва истиқболи фақат қишлоқ хўжалиги соҳасига боғланган эмас.

Минг афсуски, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ривожлантириш, маънавий-маданий юксалтириш билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим ва долзарб масалалар вилоят ҳокимининг эътиборидан четда қолиб кетганини бугун қайд этишга мажбурмиз.

Яъни, бу одамда вилоят миқёсидаги бутун муаммоларни чуқур англаш, тушуниш, уларга ягона мақсад нуқтаи назаридан ёндашиб, изчиллик билан ҳал этиш қобилияти, эл-юртнинг минг-минг талаб ва эҳтиёжларидан энг муҳим, устувор масалаларга эътиборни жалб этиш, авваламбор, кадрларнинг бошини қовуштириш, сафарбар этиш хусусияти, малакаси, очиқ айтиш керакки, етишмади.

Бугунги вужудга келган вазиятни тан олиб, буни ўзи ҳам тушуниб, Ғ. Дилов вилоят ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза берди.

Бугун сиз, депутатлар мана шу масалани кўриб чиқиб, унга ўз муносабатингизни билдиришингиз керак.

Ҳурматли депутатлар, энди Навоий вилояти ҳокими лавозимига номзод масаласини кўриб чиқишимиз зарур. Биз бу борада кўп ўйлашиб, вилоят жамоатчилиги, оқсоқоллар, маҳаллий фаоллар билан маслаҳатлашиб, бу лавозимга ҳозирги кунда Конимех тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рўзиев Бахриддин Муртазаевич номзодини тавсия этмоқчимиз.

Ўйлайманки, ҳаммангиз кўпдан буён шу Навоий вилоятида хизмат қилиб келадиган бу раҳбарни яхши танийсиз. У иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаб, туман ва вилоят миқёсидаги турли масъул лавозимларда ишлаган, билими, ҳаётий тажрибаси ҳам етарли.

Энг муҳими, у Навоий вилоятини, бу ерда яшайдиган аҳолининг ҳаётини яхши билади. Вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, одамларни қийнаётган ташвиш-муаммоларни ҳал этишда бу раҳбар ўзининг бор куч-ғайрати ва салоҳиятини аямай меҳнат қилади, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Мен Навоий вилоятининг депутатлари ва фаоллари, барча меҳнаткашлари, бутун халқи бугунги айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, ўз ишига танқидий нуқтаи назардан қараб, янги раҳбар атрофида бирлашиб, вилоят ҳаётида жиддий ўзгариш ясашига қатъий ишонаман.

Чунки, вилоят барча соҳаларда мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун ҳамма асос ва имкониятлар мавжуд. Фақат ана шу имкониятларни ишга солиш, улардан оқилона фойдалана билиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан талаб қилаётган ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда иқтисодий омилларни вужудга келтириш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритиш;

компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жумладан мутахассисларни чет элларда ўқитиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологияларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш.

4. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш 2002 йилнинг 1 октябрига қадар:

2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини;

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурини;

2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, матбуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни рўёбга чиқариш;

почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йилнинг 1 августига қадар йирик хорижий ва маҳаллий компьютер ҳамда ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказини ташкил қилсин.

6. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармага маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилсин.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланиши назарда тутилсин.

8. 2006 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

республикага олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар божхона тўловларини (божхона расмийлаштириши учун йиғим бундан мустасно) тўлашдан;

компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек уларга сервис хизматлари кўрсатиш қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

9. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб дастурий воситалар ишлаб чиқариш, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолига компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш юзасидан хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган ташкилотларга (уларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар) ягона солиқ тўлаш тартиби татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

12. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 май

БОЛАЛИКНИ АСРАМОҚ — ДУНЁНИ ҚУТҚАРМОҚДИР

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Биз нега Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини нишонлаймиз? Болаларни нимадан, кимдан ҳимоя қиламиз? Биз, катталар уларни шафқатсизликдан, лоқайдликдан, умуман инсонийликка хос бўлмаган энг манфур хислат — ёвузликдан ҳимоя қилишимиз керак. Чунки ер юзининг кўп нуқтасида ҳозир болалар уруш, отув-ўлдирувларнинг тирик нишонига айланишган. Кейинги ўн йилликда турли хил зиддиятлар боис 2 миллион нафар бола ҳалок бўлди. 6 миллион бола ярадор ҳамда бир умрга майиб-мажруҳга айланди. 12 миллион норасида эса бошпанасиз қолди. Дунёдаги ҳар хил қонли тўқнашувларда ҳалок бўлаётган тинч аҳолининг 80-90 фоизини болалар ва аёллар ташкил қилаётганидан мутлақо кўз юмиб бўлмайди. Ўтган ўн йилликда 1 миллион бола етим қолди ёки оиласидан маҳрум бўлди.

Бугунги кунда дунёда 35 миллион қочоқларнинг 80 фоизи оналар ва болалардир. Болаликнинг шодлиги-ю, болаликнинг фожиаси ер юзида ёнма-ён... Бир томони кулги, бир томон қоп-қора, қайғули замин. Шу замин устида эса яшаётган, шу билан бирга қуриб-қовжираётган икки хил болалик юзма-юз турибди. Бахтли ва бахтсиз болалик. Йўқ, замин иккита эмас, битта. Инсоният ҳақида ҳам шундай дейишимиз мумкин. Инсониятнинг болалиги — бир сўз билан айтганда, болалар — Ер юзида бахтли яшашга ҳақли. Улар ночор, норасида, мудом шафқатга муҳтож гўдаклар. Шафқатга муҳтож гўдакларнинг хору зор яшаши, ўлиши — бутун инсониятнинг фожиаси.

Афсуски, ер юзида 149 миллион бола очликдан силласи қурияпти. Очарчилик комида қолган бу болалар бутун инсониятнинг диққат-эътиборини тортиши керак. Яна бир даҳшатли томони шундаки, дунё бўйича 30 миллионга яқин СПИД касалига йўлиққан бахтиқароларнинг 16,4 миллиони аёллар бўлса, 1,4 миллиони эса 15 ёшгача бўлган болалардир. Ушбу касаллик туфайли 15 ёшга етиб-етмай 10,4 миллион бола тирик етим бўлиб қолди. Уларнинг 90 фоизи ҳозир Африка давлатида яшаяпти.

Бу ўткинчи дунёда беш кунлик умр мобайнида ортимиздаги келаётганларга қирғин-қиёмат аслаҳаларини мерос қилиб қолдирмаяпмизми? Ер юзи шундай аҳволга тушмаслиги учун курраи-заминдаги барча эзгуликпарвар, авлодпарвар, болапарвар халқлар бирикиши, жоҳилликка қарши оёққа қалқимоғи лозим. Осойишта дунёларда, осойишта давлатларда болалар юзида табассум бўлади, болалар кулгиси янграйди. Агар осойишталикка дарз кетган бўлса, ўша жойдаги болалар чеҳрасида қайғу ва надомат кўланкасини кўриш мумкин. Бугун ер юзи бўйича олинган ишончли далилларда келтирилишича, 100 миллион бола мактабга қатнамаяпти, билим ололмаяпти. Уларнинг 60 миллион нафари қиз болалардир. Жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, уй хизматкорлари, чўриларнинг 90 фоизини 12-17 ёшдаги қизлар ташкил қилади.

Ўзбекистондаги тинчлик ва хотиржамлик, халқимизнинг кенг феъллиги, болаларимизнинг кўзидаги тиниқлик, лабларидаги кулгилар жарангини ҳис қилиб, бундан ортиқ бахтиқбол йўқ, деган фикр билан дилим ёришади. Юқорида келтирилган аянчли фактлар — бахтсиз болалик ҳақида ўйлаб юрагимиз орқага тортиб кетади. Шунда юртимизда болаларга нисбатан нечоғлик ғамхўрлик қилинаётганини англаб оламиз. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Болапарвар Ўзбекистон ўз келажагини авайлаб ардоқлаяпти. Кўзимизни каттароқ очиб, бу борада дунёга бир назар ташласак, Ўзбекистонни болалик бахтга, шавқу завққа тўлиб улғаяётган бешик тимсолида кўрамиз. Энди республикамизда шу хусусида олиб борилаётган ишларнинг айримларига тўхталиб ўтайлик. Кўпчиликнинг хабари бор, 2002 йилнинг 25 январида мамлакатимизда учта муҳим ҳужжат имзоланган эди. Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари чиқди. Келажак авлод бахт-иқболи йўлидаги ғамхўрликнинг юксак намунаси бўлган ушбу ҳужжатларда болаларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва билимли бўлишининг амалий чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, нафақат кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфи ўқувчи болалари, балки шу тоифага мансуб юқори синф ўқувчиларига ҳам бепул қишки кийим-бош берилади. Шундай оилаларнинг ўқувчи фарзандларининг 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб 75 фоизи, 2003 йилнинг 1 сентябридан эса тўлиқ — 100 фоизи дарсликлар билан таъминланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бу йил 270 минг болани 714 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Шу билан бирга 5550 нафар бола иқтидорли болалар оромгоҳига, 3585 нафар бола эса меҳрибонлик уйларида ташкил этилган дам олиш масканларига, 8600 нафар ўқувчи мактаб интернатларида ташкил этилган сўлим гўшаларига жалб қилинади. 845000 нафар боланинг ота-оналари билан ёз мавсумини маҳаллий саёҳатларда, махсус санаторийлар ва профилакторийларда дам олиши режалаштирилган. Республикамиз бўйича 6037492 нафар боладан барча турдаги оромгоҳлар, саёҳат ҳамда тўгаракларга 1976085 нафар бола бориши мўлжалланган.

Мана сизга икки хил дунё. Такрор бўлса-да, айтай — бахтли ва бахтсиз болалик. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон давлати болалари бахтли яшаётган мамлакатлар сирасига киради. Шунинг учун унинг келажаги гуллаб-яшнайди.

Мен барча тинч ва ривож топган давлатлардаги каби жами мамлакатлар болалари ҳеч қандай озор топмай улғайишини истайман. Ўшанда дунё гулзорга айланади. Ўшанда бу гулзорларда сон-саноқсиз капалаклар ўйнайди. Демак, она-сайёрамиз тақдири инсоният бахт-иқболи хусусида айтилажак эзгу гаплар амалга ошади: эсингиздами, улуғ адиб: «болалик жароҳатланмасагина инсониятнинг эртаси ҳақида гапирмоқ мумкин...» деганди. Ёдингиздами, футбол қироли Пеле стадиондан чиқиб кетаётиб: «болаларни севинг...», деганди кўзларига ёш олиб. Болаларни севиш — ер юзини севмоқ демакдир.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**



САМИМИЯТ САЛТАНАТИ

«Темурийлар тарихи давлат музейи»га келган бир гуруҳ болаларни учратдим. Улардан бирининг қўлида ер шари — глобус. Шу пайт хорижлик икки сайёҳ музейни томоша қилаётган онахонга нимадир деди. У бироз хижолатли аҳволга тушди. Глобус кўтарган бола эса сайёҳга юзланиб, мақсадини сўради-да, уларга тилмочлик қила бошлади. «Юртингиз жуда обод, шаҳар чиройли экан. Одамлари аҳил экан. Мен кузатиб турдим. Ҳозиргина сизга шу болаларнинг жўр бўлиб нимадир сўрашганини эшитдим. Улар сиздан нима сўрашаяпти, деган гапни айтишаяпти», — деди бола.

Онахон кулимсиради. Болакай эса мағрур, аммо самимий кулиб турибди. Онахон жавоб беришга улгурмади. Шу пайт уларнинг суҳбатини тинглаб турган болалар сайёҳларга юзланиб, бирваракайига: «Хэлоу! Уэлкам!» дейишди. Сайёҳлар шошиб қолишди. Чунки улар меҳмонлар билан бемалол инглизча суҳбатлашаётган эди.

Тошкентдаги 307-ўрта мактабнинг инглиз тилини чуқур ўзлаштирувчи синф ўқувчилари сайёҳларга «Темурийлар тарихи давлат музейи» ва Соҳибқироннинг буюк салтанати ҳақида бийрон-бийрон гапириб беришди. Сайёҳлардан бири глобусга ишора қилиб, нимадир деди. Болалар фахр-ифтихор билан глобусдан Ўзбекистон ҳудудини кўрсатишди. Сайёҳларнинг мамлакатлари ҳақида ўзларига гапириб беришганида, очиғи, меҳмонларнинг кўзларида ҳайрат, ҳаяжон акс этди.

Бугуннинг болалари дунёни билишга, ўз билимлари билан забт этишга интиляпти. Зеро, дунё ҳам ўз навбатида Ўзбекистонни, унинг ёш авлоди, беназир истеъдодини қўллаб-қувватлаяпти.

Мамлакатимизда 1994 йилдан буён БМТнинг болалар ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолият кўрсатаяпти. Шу ваколатхона бошлиғи Бренда Виго хоним ўз интервьюсида:

— Мен Ўзбекистон ҳукуматининг болаларга кўрсатаётган катта эътибори ва ғамхўрлигидан мамнунман. Ўзбекистон ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, 2004-йилгача бўлган дастурлар доирасида ишламоқдамиз. Бу юртда иқтидорли болалар кўп ва уларга ғамхўрлик ҳам кучлилигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди.

Дунё болаларининг бугунги кундаги ҳаёт тарзига бир назар солсак, миллионлаб гўдаклар болаликни эрта тарк этаётганларининг, шодлик, қувончдан бебаҳра, турмуш дея тентираб юрганликларининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Россияда бир йилда 123 минг 204 нафар бола оилада ажралишлар касридан тирик етим бўлиб қолаяпти.

Биз катталарнинг кўнглида бир салтанат — самимият, шодлик салтанати қад кўтариши керак. Бу салтанатнинг соҳиблари эса болалардир. Ҳар қандай шароитда уларнинг шодлигини, болалигини тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган йили Оролбўйи ва ҳоразмлик 20 минг нафардан ортиқ болалар ёзги таътилни мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида мароқли ўтказганди. Бу йил ҳам ушбу эзгу анъана давом этаяпти.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди ва унда фарзандларимизни ёзги дам олдиришни уюштириш масаласи кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини энг сўлим оромгоҳларда бепул дам олишлари болаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир.

■ **Саида САЙХУН**

«ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ МАВЖУДЛИК МУДДАТЛАРИ»

ЎзРФАнинг ижтимоий-гуманитар фанлар биносида бўлиб ўтган илмий-назарий конференция ана шундай номланди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти, Марказий Осиёни ўрганиш Француз тадқиқот институти (IFEAC) ҳамда Фанлар академиясининг тарих институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда Париждаги Ижтимоий фанлар бўйича тадқиқотлар олий мактабининг директори (Ecole des Hautes Etudes en Sciences Sociales (EHESS)) ва Одам ҳақидаги фан фондининг (Fondation des Sciences de l'Homme) президенти Морис Эмар маъруза қилди. Юқоридаги ташкилотга ўтган асрда тарих фанининг намояндаси Фернан Бродел томонидан асос солинган бўлиб, бугунги кунда у Европа ижтимоий-гуманитар фикрларининг маркази ҳисобланади.

Доктор Морис Эмар XIII-XV аср Ўрта ер денгизи соҳили тарихи, иқтисоди, маданияти ва ижтимоий ҳаёти бўйича дунёга таниқли олим ҳисобланади. У кўпгина китоб ва мақолалар муаллифи ва машҳур «Анналлар» (Les Annales) тарихий журналининг таҳрир ҳайъати аъзосидир.

Цивилизациялар мавжудлиги ва уларнинг ўзаро мулоқоти масаласи инсоният тарихи мобайнида долзарб бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам мазкур муаммо долзарблигича қолмоқда.

Француз тарихчиси фикрича, цивилизация, ҳар доим ютуқ ва инновациялар воситасида алмашиниб туради. Алмашинув жараёнида танлов пайдо бўлади — бу ютуқларни қабул қилиш, мослаштириш ёки умуман қабул қилмаслик мумкин.

Шунингдек, француз олими ислом динининг дунё цивилизациясида тутган ўрни ва роли ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, Морис Эмар каби халқаро миқёсдаги олимнинг мамлакатимизга ташриф буюриши Европа олимларининг Ўзбекистон фанига бўлган қизиқишларининг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

КОРХОНА УЛҒАЙМОҚДА

Паркентда тадбиркорлар ҳақида гап очилса, ҳамманинг кўз ўнгида кўпчилик қатори Холмат Холмонов ҳам намоён бўлади. У киши туманнинг Заркент қишлоғида хўжалик бошқарувининг кўмаги билан 1999 йил «ГМХ Заркент ЛТД» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ташкил этди. Кўп ўтмай корхонада «Заркент ота» шифобахш яхна суви елим идишларда қадоқлаб чиқарила бошланди. Кейинчалик корхона истеъмолчиларга «Паркент кола», «Апелсин» каби салқин ичимликлар ҳам тортиқ қилишга киришди.

Юз нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоа ишчиларининг 60 фоизи ёшлар бўлиб, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 18-20 минг сўмни ташкил этмоқда. Тобора улғайиб бораётган корхонада келгусида бошқа хил маҳсулотлар ҳам тайёрлаш ва экспортга чиқариш мўлжалга олинган. Шу кунларда бу ерга янги қурилмалар олиб келинмоқда.

■ **Озод АШРАБОВ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

УМР БЕЗАГИ

ЯНГИЙЙЎЛЛИК 70 ЁШЛИ ТАДБИРКОР ЎЛМАС МАШАРИПОВНИНГ ХАЙРЛИ ВА САВОБЛИ ИШЛАРИ ҲАҚИДА

— Ўғлим, — дерди Машарип ота салмоқланиб, — ҳақиқий инсон бўламан десангиз, фақат ўз фойдангизни ўйлайдиган бўлманг. Атрофга кенгроқ назар ташланг, ёрдамга муҳтож кимсалар эътиборингиздан четда қолмасин. Бизни шу кимсасиз зах ерларга олис Фарғона водийсидан келтириб ташлаганларини кўп бор сизга сўзлаб берганман. Мурувватли, раҳмдил кишилар бўлмаганида биз ҳам шу ерларда нобуд бўлиб кетардик. Ўн икки фарзандни ерга топширмоқ ва жудолик ситамларини кўтармоқ осон бўлмади бизларга. Яхши одамларнинг далдаси ва кўмаги бўлмаганида, билмадим, ҳолимиз не кечарди...

Раҳматли отасининг бу сўзлари ўғлининг юрагида чуқур из қолдирганди. Ўзи ҳам яхши эслайди: уруши йилларини ярим оч, ярим яланғоч ўтган болалик йилларини. Ночорлик инсон учун қай даражада оғир фожиа, кулфат эканлигини ўзгалар ҳикоясидан эмас, балки ўз бошидан кечирган бир кимса сифатида бутун борлиғи ила ҳис этади.

Ўлмас ака ночор кишиларни кўрса ҳаловати бузилади, ўзини қўярга жой тополмай қолади, чора излайди, ўзини ўтга-чўққа уради, ниҳоят йўлини топади, ўша кўнгли ўксик инсоннинг дилига ёруғ чироқ ёқади. Шу чироқ нури таптидан, аввало, ўзи баҳраманд бўлади, ҳузур қилади.

... Ўлмас аканинг Нурмат деган дўсти бўларди. Касби оддий бўлса ҳам ўтли-шудли киришимли эди. Маҳалладаги тўй-маъракаларга бошчилик қиларди, бирор йиғин унинг маслаҳати ва иштирокисиз ўтмасди. Бу икки дўст битта майиз топишса баҳам кўришарди, ўрталарида сир бўлмасди.

Аччиқ қисмат — умри қисқа экан — Нурмат ёш ўтиб кетди. Ҳамма ачинди, Ўлмас ака қаттиқ ўртанди. Сабаби Муҳаррамхон — Нурматнинг аёли олти бола — тўрт ўғил, икки қиз билан чирқиллаганича қоларди. Барча маъракаларини Ўлмас ака бош бўлиб ўтказишди. Оиладан ҳамиша кўз-қулоқ, хабардор бўлиб турди. Лекин катта рўзғор учун бу етарли эмасди. Ҳамон Муҳаррамхон елкасидаги юк, олти фарзанднинг тақдири, масъулияти оғир эди. Нурматнинг катта ўғли Аҳмаджонни ўзи бош бўлган корхонага ишга олди. Муҳаррамхон елкасидаги рўзғор ташвиши бироз бўлса-да енгиллашгандек эди.

— Онаси, — деб қолди бир куни хотинига Ўлмас ака, — кўпдан бери кўнглимда бир ният пайдо бўлган, сен шунга нима дейсан?

— Нима гап экан, қани айтингчи, сўнг шунга қараб жавоб бераман, — мулоҳаза билдирди ҳайрон бўлиб Анорхон ая.

— Нурматнинг катта ўғли Аҳмаджон бизда ишлаяпти, меҳнаткаш, эсли-ҳушли, одобига, кишилар билан бўлган муносабатига ҳамма ҳавас қилади. Ўшани ўзимизга куёв қилсак, қизимиз Маъфиратни...

Хуллас, ўша куни маслаҳат пишди. Кейинчалик ёшлар розилиги олинди. Ҳаш-паш дегунча тўй ҳам бўлиб ўтди. Келин билан бирга хонадонга бахт-файз, барака киргандек бўлди. Бошқа фарзандлар ҳам ўрта мактабни тугаллагач, шу корхонага ишга келишаверишди. Хонадондаги ҳаёт ўз ўзанига тушиб кетди. Тул қолиб, энди бу ёғи нима бўлади, деб неча-неча тунларни бедор ўтказган Муҳаррамхон худога шукроналар айтиб, эндиликда қудаси-қудағайи бўлмиш Ўлмас акани дуо қилгани-қилган.

Кўнгли саховатга тўла, мурувватли инсон кўпларни ҳайратга солиб, яна бир иш қилди. «Муҳаммад Бобур» номли фирма ташкил этди. Унинг ўртасида чойхона, ошхона, атрофида нон, гўшт, дўконлари, тегирмон, обжувоз. Кунига ўнўн икки хил истеъмол маҳсулотлари тайёрланади. Шу фирмани ўйлаб-ўйлаб ўз фарзандига эмас, балки ўша қиёматли дўсти, раҳматли Нурматнинг фарзандларидан бири — Неъматжонга топширди. Бу ишга биров ишонади, биров ҳайратдан ёқа ушлайди. «Ўлмас аканинг боши узра туну кун савоб нури ёғиладиган бўлибди, бундай ҳотамтойликни ҳали кўрмаган эдик» дейишди ёшу қари. Раҳматли Нурмат оиласи, фарзандлари, Муҳаррам аянинг рўзғори, ҳаёти гуркираб кетди. Эндиликда кўпчилик уларга ҳавас билан қарашади, бизларнинг фарзандларимиз ҳам, илоё, шундай бўлиб вояга етишсин, деб чин дилдан ният қилишади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Халқобод» хўжалиги ҳудудида жойлашган акциядорлик жамияти корхонасида Ўлмас Машариповнинг директор бўлиб ишлаётганига анча йиллар бўлди. Шу муддат ичида у оддий нонвойхонадан ҳийла йирик корхонага айланди. Янги бинолар қурилди, замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Корхонада 108 киши меҳнат қилмоқда. Айни пайтда макарон, қандолат маҳсулотлари, музқаймоқ, ичимликлар ҳам тайёрланмоқда. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ҳар йили олинаётган фойданинг учдан бири ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланмоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг турмуши, кайфияти, аввало, олаётган маоши, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг қай даражада эканлигига бевосита боғлиқ. Мана ўзингиз адолат тарозусига солиб, баҳо беринг. Ўтган йили корхонанинг олган соф фойдаси 20,9 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 5,7 миллион сўми ишчи-хизматчиларнинг турмушини яхшилаш, дам олиши, соғлиғини тиклашга, муҳтож оилаларга ёрдам сифатида сарфланди. Йил якуни бўйича ишчилардаги 730 та акциянинг ҳар бирига 2252 сўмдан дивиденд тўланди.

Ўлмас ака бошлиқ акциядорлар катта ҳиммат кўрсатиб келишяпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга, боқувчиси йўқ кексаларга, етим-есирларга йил мобайнида бир миллион сўмдан зиёдроқ, корхона ишчиларининг фарзандларига совға-саломлар учун 300 минг, хотин-қизлар байрамига 225 минг, ўзларининг касб байрамларига 348 минг, шу корхонадан пенсияга чиққанларга 586 минг сўм ёрдам пули берилди. «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимига 210 минг сўм, Кўзи ожизлар жамиятига эса 180 минг сўм ёрдам пули ўтказилди. Маҳалладаги икки қабристонни ободонлаштириш учун акциядорларнинг розилиги билан 225 минг сўм ажратилди.

Қалб ҳароратини одамлардан аямаган инсон кишилар ўртасида қадр топади. Бундай инсон қалбидаги илиқликдан кишилар баҳра олади, дунё яна ҳам ёруғлашиб кетгандек, ҳаёт жозибаси ошгандек туюлади. Ўлмас ака Машарипов худди шундай инсонлардан бири. Ёши 70 дан ошган бўлса ҳам юртга озгина нафим тегса, кишилар, айниқса ёрдамга муҳтожларга фойдам тегса деган ниятда яшамоқда.

Бу кишини худо ярлақаган инсон деса бўлади. Ота-онадан якка-ю ёлғиз эди. Анорхон ая билан беш ўғил, олти қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Уларнинг бари эл қорига ярайдиган кишилар бўлиб етишдилар. Невараларнинг ўзи қирққа яқин. Эндиликда Яратган эгам уларга эваралар кўришни насиб этмоқда. Шундай бахт илоё, ҳар кимсага ҳам насиб этсин.

— Ўлмасжон билан 25 йил новвой бўлиб ишладим. Қўл остидаги кишиларга ўта меҳрибон, ғамхўр, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Маҳкам ота Каримов. — Мана анча йилдирки, пенсиядаман. Доимо хабар олиб туради, барака топқурни меҳри дарё. Худойимдан сўраганим — бундай кишиларнинг умри узоқ бўлсин.

— Одамийликни ўрнига қўяди, тан бермай иложинг йўқ, — деб отахоннинг сўзини тўлдиради меҳнат фахрийси Анорхон Раҳматуллаева. — Бетоб бўлиб қолганимда кунора хабар олиб турди. Баъзан туғишганлардан ҳам бу қадар оқибат кутиб бўлмайди.

Туман ҳокими Йўлдош Тожибоев шундай дейди:

— Ўлмас ака меҳр-мурувватли инсон, ногирон, боқувчиси йўқ кишилардан, етим-есирлардан доимо хабардор. Ўшалар ташвиши, тақдири билан елиб югургани-югурган.

Яна нимани қўшимча қилиш мумкин?

Бир донишманддан сўрашибди, тақсир кимни худо ярлақаган, бахтли киши, деса бўлади, деб.

Донишманд оппоқ узун соқолини силаб, бироз хаёлга чўмибди, сўнг шундай жавоб берибди:

— Кимки бу дунёда энг кўп одамга яхшилик қилган бўлса, ўша кишини энг бахтли, Яратган эгам ярлақаган инсон деса бўлади.

Янгийўллик Ўлмас ака, назаримизда, худди шундай инсонлардан биридир.

■ **Исмоил СУЛАЙМОНОВ**

«CATERPILLAR» ХОРАЗМДА

Хазорасп туманидаги Мирзо Улуғбек ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Чингизқирда ҳайбатли экскаватор тошли-қаттиқ тупроқни гўё қумдек осон қазиб ташлади. Салобатли ва қудратли тупроқ юклагич тезкор ҳаракатлари билан тўпланганларнинг олқишига сазовор бўлди.

АҚШнинг «CATERPILLAR» компаниясида ишлаб чиқарилган ва воҳа мелиораторларига асқотадиган ушбу техника намуналарини компаниянинг «ZEPPELIN» дилер фирмаси вакиллари намойиш этишди. Республика кўргазма-семинарида «ZEPPELIN» фирмаси вакили мистер Франк Лист сўз олиб, ҳамкорликни Марказий Осиёда илк бора шу ерда бошлашаётгани бежиз эмаслиги, Оролбўйидаги экологик вазият боис ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилгани, оқар сув ва зах йўлларини таъмирлашда бу техника асқотишини баён этди. Лист жаноблари Ўзбекистон энг тинч ва мўътадил давлат экани, ҳамкорлик учун тўла шароит яратилганини ҳам назардан қочирмади.

Ажабмаски, «Кейс» атамаси ўзимизники бўлиб қолганидек, яқин кунларда янги атама — «Катерпиллар»га ҳам мослашиб кетсак.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚАРИЯЛАР — УСТОЗ-МУАЛЛИМ

Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган давлат Дастурини бажаришда ХДП ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар. Бу ишда улар жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Ўтказилаётган тадбирларда партия аъзолари, кўп йиллар давомида, партия тузилмаларида самарали меҳнат қилган, жамоа ишларида фаоллик кўрсатган инсонларнинг қатнашаётганликлари айниқса қувонарли.

ХДП Тахиатош шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийларининг «бир пиёла чой» устидаги учрашувини ташкил этди. Шаҳар ҳокими М.Жумабоев фахрийларни қутлаб, уларга совға-саломлар топширди. Шу каби учрашувлар «Тахиатошгидроэнергиякурилиш» бошқармаси, «Тахиатошдон» ҳиссадорлик жамияти ва шаҳар ҳокимлигининг халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

Галлаорол туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти, «Мирзабулоқ» ва «Болғали» қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари кенгашлари билан ҳамкорликда, «Кексаларни эъзозлаймиз» мавзуида, учрашув ўтказди. Тадбирга уруш фахрийлари ва фронт орқасида меҳнат қилганлар таклиф этилди. Учрашувда ХДП Галлаорол туман кенгаши биринчи котиби Б.Темиров, туман ҳокимининг ўринбосари А.Маматов, «Истиқлол» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби О.Ўсаров, «Мирзабулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Алишбоев, уруш қатнашчилари Т.Темиров, О.Омоновлар қарияларни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, унинг энг халқчил урфга айланганлигига мамнуният билдирдилар.

Иқтидорли болаларнинг бадиий чиқишлари, санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари даврага файз бахш этди. Учрашув якунида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгаши ва «Навоий» маҳалласи фуқаролар йиғини, оқсоқоллар кенгаши ташкил этган, «Қарияларга эҳтиром», деб номланган учрашувга 100 нафардан ортиқ отахону онахонлар таклиф этилдилар. Улар шарафига дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар ва рақслардан хурсанд бўлган кексалар юрт тинчлиги, эл равнақига ривож тиладилар.

ХДП Нукус шаҳар кенгаши, «Саховат» боғдорчилик хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Олланиёз Ўтаниёзов иштирокида, «Хотира муқаддас» мавзуида, «давра суҳбати»ни ташкил этди. Унинг қатнашчилари уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ўтмиш гувоҳи бўлган табаррук инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эзгуликнинг қадрига етиш тўғрисида гапирдилар.

Шунингдек, мазкур партия кенгаши фахрийлар билан ёш авлод вакиллари учрашувларини Оқманғит номли коллеж, Бердақ, Жейенжиров номидаги мактабларда ҳам ўтказди.

Партия Когон туман кенгаши, бир гуруҳ фахрийлар иштирокида, «Қариялари эъзозли юртим» мавзуидаги, «давра суҳбати»ни уюштирди. Учрашувда партия туман кенгашининг биринчи котиби А.Баҳронов Қарияларни қадрлаш йили давлат Дастури асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Дастурхон атрофида ўтган суҳбатда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, жамоат ташкилотлари вакиллари кексаларимизнинг ёшларга устоз-муаллим, ҳамдард-ҳамнафас ва суянчиқ эканлиги ҳамда улар тинибтинчимаслиги, соф қалблари, эзгу ниятлари, гўзал фазилатлари билан барчага ўрнак, намуна бўлаётганликлари тўғрисида сўзладилар.

СУД ИСЛОҲОТИ

ДИҚҚАТ, СУД ИЖРОЧИСИ КЕЛЯПТИ!

Республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчил амалга оширилмоқда. Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ва Қонуннинг 2002 йил 1 январдан амалга киритилиши ушбу соҳадаги муҳим қадамлардан бири бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат қуришдаги ҳокимиятлар тақсимоти тамойилининг яна бир яққол мисолидир.

Қонун амалга киритилгач, хўжалик судлари тизимида фаолият кўрсатиб келган суд ижрочилари тизимдан ажратилиб, янги ташкил этилган бўлинмаларга бирлаштирилди. Бу тузилманинг илк қадамлари ва истиқболдаги режалари ҳақида мухбиримиз Департаментнинг суд қарорларни ижро этиш бўлими бош инспектори Акром ХАЛИЛОВ билан суҳбатлашди.

— Қонун амалга киритилгунга қадар хўжалик судлари тизимида 34 та суд ижрочиси фаолият кўрсатиб келган эди. Улар хўжалик судлари қарорлари ижросини «Хўжалик судларининг ҳужжатлари ижросини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари асосида амалга оширишган.

Эндиликда ўша суд ижрочилари хўжалик судлари тизимидан ажратилиб, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидаги 258 та, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларидаги 210 та суд ижрочилари билан бирлаштирилди ва республика бўйича 209 та суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари сифатида алоҳида, яхлит тизим ташкил этилди. Улар нафақат хўжалик судлари қарорларини, балки умумюрисдикция судлари қарорлари, шунингдек бошқа органлар (мансабдор шахслар) ҳужжатларининг ҳам ўз вақтида ижро этилишини Қонун талаблари асосида таъминлайдилар.

— Хўжалик судларининг қарорларини ижрога тақдим этиш тартиби ва муддатлари қандай белгиланган, уларнинг ижроси тўлалигича суд ижрочилари зиммасига юклатилганми?

— Аввало шуни қайд этиш керакки, хўжалик судлари қарорларини ижрога бериш тартиби умумюрисдикция судлари қарорларидан бирмунча фарқ қилади. Умумюрисдикция судлари томонидан қабул қилинган ҳукм, ҳал қилув қарори ва ажрим қонуний кучга киргандан кейин тўғридан-тўғри мажбурий тартибда ижро этишлик учун суд ижрочиларига юборилади. Хўжалик судлари эса даставвал қарздорларнинг ҳисоб-рақамидан ундириш тўғрисида ижро ҳужжати чиқариб, ундирувчига юборади. Ундирувчи мазкур ижро ҳужжатини илова қилган ҳолда қарздорнинг хизмат кўрсатувчи банкига инкассо топшириқномаси юборади.

Қарздорнинг ҳисоб-рақамида бўш пул маблағлари бўлса, банк 3 кун муддат ичида мазкур ижро ҳужжати талабларини таъминлаши лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 784-моддаси, шунингдек 1999 йил 30 январда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб-рақамларидан пул маблағларини чиқим қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талабларига қатъий амал қилиш лозим.

Агар қарздорнинг ҳисоб-рақамида ижро ҳужжати талабини бажариш учун етарли пул маблағи бўлмаса, банк бу ҳақда ундирувчининг банки орқали ундирувчига 3 кунлик муддат ичида ёзма хабарнома юбориши лозим.

Ундирувчи ушбу хабарномани илова қилиб, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 217-моддаси талабларига биноан ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида, мазкур ижро ҳужжатини берган хўжалик судига ариза билан мурожаат қилади.

Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги хўжалик суди томонидан берилган ижро варақанинг мажбурий ижросини таъминлаш учун қонунда белгиланган 6 ойлик муддат давомида Департаментнинг тегишли ҳудудий бўлими ёки суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмасига тақдим этилади.

Хўжалик судларининг ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақалари Қонуннинг 8-моддаси талаблари асосида расмийлаштирилган ва ижрога тақдим этиш муддати ўтказиб юборилмаган тақдирда суд ижрочилари томонидан иш юритувга қабул қилинади ва ижро юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилади ҳамда мажбурий ижро этиш чоралари кўрилади.

Агар бирон-бир узрли сабаб билан ундирувчи ижро ҳужжатини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборган бўлса, ундирувчи Хўжалик процессуал кодексининг 215-моддасига биноан, ижро ҳужжатининг ижрога тақдим этиш муддатини тиклаш тўғрисида ушбу ижро ҳужжатини берган хўжалик судига ариза билан мурожаат этиши мумкин.

— Хўжалик судлари томонидан бериладиган ижро ҳужжатлари асосан қарздор юридик шахслардан ундирувга оид ижро ҳужжатларини ташкил этади. Ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратишнинг қандай хусусиятлари бор?

— Юқорида айтиб ўтилганидек, Қонун амалга киритилиши муносабати билан суд ижрочилари иш юритувидаги ундирув турлари кўпайди, яъни ҳар бир суд ижрочиси ўз иш фаолияти давомида нафақат хўжалик суди ёки умумюрисдикция судлари, шунингдек бошқа органлар ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашга тўғри келади.

Қарздор юридик шахслардан ундирувга оид ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочисидан ҳуқуқий билим билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби, банк ва солиқ фаолиятига оид билимларни ўрганишни талаб этади.

Қонунда ундирувни қарздор юридик шахснинг мол-мулкига қаратиш жисмоний шахслар мол-мулкига қаратишдан алоҳида талқин қилинган. Бунда қарздор юридик шахсларнинг мол-мулкини хатлаш ва реализация қилишнинг навбати белгилаб қўйилган ва биринчи навбатда — ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган мол-мулк (қимматли қоғозлар, қарздорнинг депозитидаги ва бошқа ҳисоб варақалардаги пул маблағлари, валюта бойликлари, енгил автотранспорт, офис дизайни ашёлари ва бошқалар); иккинчи навбатда — тайёр маҳсулот (товарлар), шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликлар; учинчи навбатда — кўчмас мулк объектлари, шунингдек хомашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситалар хатланиб, реализация қилиниши лозим.

Қонуннинг асосий мақсади ва инсонийлик тамойили шундан иборатки, биринчи навбатда қарздор юридик шахснинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қилмасдан ва зарар етказмасдан ижро ҳужжатида белгиланган талабларни бажаришдир.

Ундирувни қарздор юридик шахснинг пул маблағига қаратишда ҳам суд ижрочиси томонидан аниқланиши лозим бўлган бир қатор ҳолатлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида юридик шахсларга солиқ тўлаш жойидаги солиқ органларини хабардор қилган ҳолда бир неча банкларда ҳисоб-рақамини очишга рухсат берилган. Ҳозирги пайтда кўпгина юридик шахсларнинг бир неча банкларда ҳисоб-рақамлари мавжуд бўлиб, суд ижрочилари мазкур тоифадаги ижро ҳужжатларининг тез ва сифатли ижросини таъминлаш учун қарздор юридик шахснинг барча ҳисоб-рақамларини, улардаги пул маблағларини аниқлаб, хатлаш чораларини кўриши лозим.

— Суд қарорларини бажармаганлик учун мансабдор шахслар ҳамда банк ва кредит ташкилотларининг жавобгарлик масаласи хусусида тўхталиб ўтсангиз. Мазкур ҳолатлар бўйича қарздорларга нисбатан қандай жавобгарлик чоралари қўлланилади?

— Хўжалик процессуал кодекси, Жиноят кодексининг тегишли моддаларида суд қарорларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Илгари бошқа органлар ҳужжатларини ижро этмаганлик, шунингдек жисмоний шахслар учун жавобгарлик кўзда тутилмаган эди. Эндиликда нафақат суд ҳужжатлари, балки бошқа органларнинг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатларини бажармаганлик учун банк ёки бошқа кредит ташкилотига ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда суд томонидан жарима солинади.

Ижро ҳужжати ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаса ёки қарздор зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёҳуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжати узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгиланган муддатда ижро этилмаган тақдирда жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн баравригача миқдорда жарима солади.

Ижро ҳужжатларини қонунда белгиланган муддатда бажармаслик жарима солинишига ва ундирувчининг бузилган ҳуқуқларини мажбурий тартибда тиклаш чораларини кўришга асос бўлади.

— Суд ижрочилари ваколатлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва фаолиятини молиялаштириш, моддий-техника таъминоти масалалари қандай ҳал этилмоқда?

— Суд ижрочиси мақоми ва уларнинг ижтимоий ҳимояси биринчи марта қонун даражасида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийлиги, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва ҳужжат нусхалари уларнинг талабига кўра бепул ва суд ижрочиси томонидан айтилган муддатда тақдим этилиши қонуний тартибда белгилаб қўйилди.

Суд ижрочилари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳозир суд ижрочилари иш ҳажмининг ортиб бораётганлиги, ҳар бир ижро ҳужжатининг мажбурий ижроси бевосита жойига чиқиб амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсак, қўшимча суд ижрочилари штатларини олиш, суд ижрочиларини зарур иш жиҳозлари билан таъминлаш, ҳудуди катта бўлган туман суд ижрочиларига автотранспорт воситалари ажратиш масалаларини ҳал қилиш Департаментимизда махсус жамғарма тузишни тақозо этяпти. Зеро, суд ижрочиларининг фаолиятини қўшимча молиялаштириш ва моддий-техник таъминотини яхшилиш мақсадида Департаментда махсус жамғарма тузиш мумкинлиги қонунда белгилиб қўйилган. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда ҳозир Департамент томонидан «Ижро иш юритишни ривожлантириш» жамғармасини тузиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Жамғарманинг тузилиши суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш, уларни зарур иш жиҳозлари ва моддий-техника жиҳатдан қўшимча таъминлаш йўли билан ижро самарадорлиги ошишига муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

■ **Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ**

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида кўплаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Хусусан, Қарши туманида бу борада амалга оширилаётган ишлар алоҳида диққатга сазовор. Туман маркази — Бешкент шаҳрида беш йилдирки, футбол тўплари ишлаб чиқарадиган республикамизда ягона «ZAFKO LTD» Ўзбекистон — Покистон қўшма корхонаси маҳсулотлари харидорлар эътиборида.

— 1998 йилнинг март ойида Покистондан икки мутахассис келиб, маҳаллий ёшларга иш жараёнларини ўргатдилар, — дейди қўшма корхона директори Шайх Хуррам Зафар. — Ҳозир жамоамизда 68 киши ишлаяпти. Уларнинг барчаси маҳаллий ёшлар. Кийим-кечак тикиш цехимиз ҳам мавжуд. Унда эркаклар ва болалар учун кепка (шапкача), кўйлак, чарм куртка ва аёллар учун сумкалар тикилади. Энг муҳими, маҳсулотларимиз мижозларга маъқул ва манзур бўлаяпти.

Ҳа, Ўзбекистон бугун барча соҳада дунёга юз тутяпти. Спортда алоҳида мавқега эга. Мамлакатимиз футболи равнақида бешкентлик тўпдўзларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги, қувончли ҳол. Уларнинг ҳамкорлари Покистон фирмалари тайёрлаётган футбол тўплари бугун жаҳон кубок ўйинларида майдон кезмоқда. Демак, Бешкент футбол тўплари ҳам жаҳон бозорига чиқадиган кунлар яқин.

Суратларда: *корхона директори Шайх Хуррам Зафар; моҳир тикувчи Шодиёна Хушмуродова иш жараёнида.*

■ Ш.ШАРОПОВ (Ў.А) олган суратлар

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«ҲАЁТ ВА ҚОНУН» САҲИФАЛАРИДА



Ҳуқуқий мавзуда қалам тебратиш бошқа соҳаларга нисбатан анча мушкул. Бунинг учун ҳар иккала соҳа — журналистика ва ҳуқуқшунослик касбидан яхши хабардорлик талаб этилади.

Ўтган йили Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Ҳаёт ва қонун» юридик журналининг тақдимот маросимида ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар журналистларимиз пухта ҳуқуқий билим эгаси бўлиш билан бирга таҳлил ва таҳрирга эътиборни кучайтириши лозимлиги, айни чоғда ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий материалларнинг савиясини ошириш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Бу фикрлар нечоғли инобатга олинганини журналнинг навбатдаги чиққан сонларидан билиб олиш қийин эмас.

«Ҳаёт ва қонун» юридик журналининг шу йилдаги илк сони билан танишган ўқувчи бу фикрга қўшилади, деб ўйлаймиз. Маълумки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган эди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвон-зоданинг журналда чоп этилган «Устувор вазифалар тараққиётга хизмат қилади» сарлавҳали мақоласида ушбу масала атрофида сўз юритилади. Мақолада келтирилишича, тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, адлия идоралари томонидан судларга 2,4 млрд. сўмлик 2064 та даъво аризаси киритилган, шундан 243 млн. сўмдан кўпроқни ташкил қилувчи даъво аризалари бевосита 850 нафар мансабдор шахснинг чўнтагидан ундиришга қаратилди. Улардан 181 нафари ҳокимликлар, 132 нафари солиқ идоралари, яна бир қанча тайёрлов ташкилотлари ва ширкат хўжаликлари ходимларидир. Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларида «ишонч телефонлари» ишлаб турибди.

Журнал саҳифаларини варақлар экансиз, ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Атҳам Турсуновнинг «Давлат ва суверен тенглик», республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ғафур Абдумажидовнинг «Суд-ҳуқуқ тизимининг негизи» сарлавҳали мақолаларини ўқийсиз. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муаммоларига доир ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам ушбу нашрдан жой олган. Журнал саҳифаларида ҳуқуқшунос олимлардан ташқари аспирантлар, тадқиқотчилар ва магистрантларнинг илмий мақолалари ҳам берилганки, уларнинг ҳар бирида ўз мавзуси доирасида чуқур мулоҳаза ва фикр юритилган.

■ **Азамат СУЮНОВ**

ҚОРА ҚИЛМИШ

ДОЛЛАРФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ



Қозоғистон фуқароси Муҳаммад Мамедов (лақаби Шамил) умрининг эллигинчи баҳорини қаршилаган. Эслиҳушлик, мансабдор шахс. Ҳарбий подполковник. Уни шайтон йўлдан урдими ўзи ҳам билмайди. Бир зумда бойиб, роҳат-фароғатда яшашни қўмсаб қолди. Борига шукр ва йўғига қаноат қилмади. Шу боис эгри сўқмоқда «дўстлари» жонига аро кирди. Қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришди. Билиб-билмай чўнтагига сохта доллар солди.

Аслида у орзу-армонларини ушалтириш мақсадида юртимизга келган. Сарҳадлардан ўтишда хизмат гувоҳномаси ва ҳарбий унвонидан фойдаланди. Текшириш ва назорат чоғлари ўзида шубҳа уйғотмади. Шамил сохта долларни яширинча ўзи яшаётган Қарағанда шаҳридан ўзга юрт Жомбойга олиб келди. Бу ерда уни эски таниши Ортиқбой кутиб олди. Оқшомлардан бирида меҳмондорчилик ярим тунгача давом этди. Меҳмоннинг кайфи ошган бўлса ҳам ўзини ҳушёр тутарди. Ва, ниҳоят муддаога кўчди.

— Чўнтагимда «кўки»дан анча бор. Уни сўмга алмаштириш керак. Қимматбаҳо тош ва тилло буюмлар харид қилмоқчиман. Савдони сўмда ҳам, долларда ҳам қилаверамиз. Сени қуруқ қўймайман, — деди у жиддий оҳангда.

Ортиқбой меҳмонга қаради-да, жилмайиб қўйди. Хурсандчилигини яширолмай, қадаҳларни яна қуйди.

— Шамил ака! Шаҳрингизда савдо-сотиқ қилган пайтларим кўп ёрдамингиз теккан. Буни унутмайман. «Кўки»ни алмаштиришга хотиним ёрдам беради. Унинг ишни хамирдан қил суғургандек, бекаму кўст бажарадиган дугоналари бор, — дея эртасигаёқ ишга киришишини таъкидлади.

У эрталаб керакли жойларга борди. Таниш-билишларига учраб, мақсадини баён қилди. Хотинини ишга солди.

Иш рисоладагидек амалга ошаверди. Шамил Самарқанд ва Жомбойда бир ҳафта кайфу сафо қилиб юрди. Долларфуруш ортидан Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг коррупция, рекет ва товламачиликка қарши кураш бўлими ходимлари тушди.

Керакли миқдорда «қимматбаҳо буюм»лар тўпланди. Катта савдода Шамилнинг ўзи иштирок этадиган бўлди. «Сотувчи»лар ҳисоб-китобни «кўки»да амалга оширадиган бўлди. Олди-берди пайтида Шамил, Ортиқ, хотини ва бир дугонаси қўлга тушди. Шу ернинг ўзида подполковник тинтув қилинганда 30 минг АҚШ сохта доллари чиқди.

Сохта доллар орқали бойиб, баъзи лақма кишиларни чув туширмоқчи бўлган ҳарбий кишининг найранглари барбод бўлди. Долларфуруш чучварани хом санаганди. Энди у ва шериклари қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

■ **Лутфилла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

КЕЧА ФРАНЦИЯ — СЕНЕГАЛ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ УЧРАШУВИ БИЛАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида футбол чемпионатининг байроғи кўтарилди. 63900 томошабинга мўлжалланган стадионда ўтказилган очилиш маросими унутилмас ва бетакрор манзараларга бой бўлди. Мухлислар эса биринчи учрашувни, биринчи тўп соҳибини сабрсизлик билан кутардилар. Ниҳоят, майдонга биринчи бўлиб Франция ва Сенегал футболчилари тушдилар. Учрашув кутилганидек қизиқарли ва қизғин курашлар остида ўтди. Жаҳон чемпионлари — француз футболчиларининг бу ўйинда устун бўлишларини кўпчилик тахмин қилган эди. Аммо башорат чиппакка чиқди. Асосан Франция клубларида ўйнайдиган лигионерлардан иборат Сенегал жамоаси 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпни Папе Малик Диоп киритди.

Жаҳон чемпионатининг дастлабки учрашуви башоратчиларни шошириб қўйди. Кимсан, жаҳон ва Овропа чемпиони франциялиқларнинг Сенегал жамоасидан енгилиши кимнинг ҳаёлига келибди. Манаман деган футбол билағони ҳам нари борса дуранг натижа қайд этилишини ўйлаган бўлиши мумкин. Аммо бу учрашув жаҳон чемпионатида кучсизлар бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Бугун Жанубий Кореяда Уругвай — Дания терма жамоалари учрашади.

Япония ўйингоҳларида иккита учрашув ўтказилади — Ирландия — Камерун, Германия — Саудия Арабистони. Бу жамоалардан қай бирига ғалаба насиб этишини башорат қилиш қийин.

Шу ўринда кўнгилдаги бир армонни айтмай ўтолмаймиз. Чемпионат ўйинларини томоша қилаётган ҳамюртларимиз мамлакатимиз футболчилари бугун жаҳон кубоги учун курашаётганлар сафида йўқлигидан афсусланаётганликлари табиий. Ҳа, қанийди ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси ҳам финалчилар орасида бўлсайди... Ким билади дейсиз, эҳтимол кейинги чемпионатда орзумиз ушалар. Ҳозирча бошқа жамоалар ўйинларини томоша қиламиз. Ўзимиз ёқтирган футболчилар, жамоаларини қўллаб-қувватлаймиз. 3 июнда Бразилия — Туркия жамоалари учрашади. Ҳа, айтмоқчи Россия терма жамоаси биринчи учрашувни 5 июнда Тунис жамоаси билан ўтказади. Гуруҳлардаги ўйинлар жадвалини газетамизнинг ўтган сонида эълон қилган эдик. Бугун гуруҳлар ғолиблари учрашувлари муддатларини эълон қилаяпмиз.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

1/8 финал				
№1	15 июнь	11.30	E-1 — B-2	Согвипо
№2	15 июнь	16.30	A-1 — F-2	Ниигата
№3	16 июнь	11.30	F-1 — A-2	Сувон
№4	16 июнь	16.30	B-1 — E-2	Оита
№5	17 июнь	11.30	G-1 — D-2	Чонджу
№6	17 июнь	16.30	C-1 — H-2	Кобе
№7	18 июнь	11.30	H-1 — C-2	Тэджо
№8	18 июнь	16.30	D-1 — G-2	Сендай
1/4 финал				
A	21 июнь	11.30	№2-ғолиби — №6-ғолиби	Сидзуока
B	21 июнь	16.30	№1-ғолиби — №5 ғолиби	Ульсан
C	22 июнь	11.30	№4-ғолиби — №8-ғолиби	Кванджу
D	22 июнь	16.30	№3-ғолиби — №7-ғолиби	Осака
1/2 финал				
	25 июнь	16.30	B ғолиби — C ғолиби	Сеул
	26 июнь	16.30	A ғолиби — D ғолиби	Сайтама
3-ўрин учун				
	29 июнь	16.00		Тэгу
Финал				
	30 июнь	16.30		Йокогама

«УНИВЕРСИАДА — 2002»

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

БУГУН БУХОРОДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИККИНЧИ АНЪАНАВИЙ УНИВЕРСИАДАСИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНАДИ

Бугун кўҳна ва навқирон шаҳарнинг қай гўшаси, кўчасида бўлманг, суҳбату ҳангомалар «Универсиада — 2002» баҳсларига бориб тақалади. Юртимиз ёшларини бир байроқ остида бирлаштирган, дўстлаштирган қадимги шаҳар осори-атиқалари ҳайрати, бир умрга муҳрланиб қоладиган учрашувлар таассуротини айтмайсизми?!

Бугун мусобақалар поёнига етиб, ғолиб ва совриндорлар шарафланади.

— «Универсиада — 2000» мусобақаларида вилоятимиз талабалари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишган эди. Стол тенниси бўйича чемпионлик менга насиб қилганди, — дейди наманганлик таниқли спортчи, жаҳон чемпиони Севара Қодирова. — Бу мусобақаларга ҳам совриндорлар қаторидан жой оламиз, деб ташриф буюргандик. Аммо ўтган икки йил ичида республикамиздаги бошқа тенгдошларим ҳам баҳсларга жиддий ҳозирлик кўрганликлари илк дақиқаларданоқ сезилиб қолди. Натижада вилоятимиз талабалари ўз муддаоларига эриша олишмади. Умумжамоа ҳисобида «Тошкент-1» жамоаси биринчи, Андижон ва фарғоналик талабалар кейинги поғоналарни эгаллашди. Гуруҳ баҳсларида Самарқанд ҳамда Андижон кичик ракеткачиларига ютқазиб қўйдик ва еттинчи ўрин билан кифояландик, холос. Бу эса спортнинг ушбу турига ошно бўлганлар кўпайганидан, демакки стол тенниси ривожланаётганлигидан дарак бериб турибди.

— Бундай йирик байрам ва мусобақаларни фақат телевизорлар орқали кўрардик, — дейди Бухоро вилоят волейболчиси, БухДУ физика факультети 3-курс талабаси Феруза Зикриёева. — Энди эса шундай нуфузли баҳсларда ўзим ҳам қатнашаётганлигимдан бахтиёрман. Мен Ғиждувон туманидаги қишлоқ мактабида ўқиганман. Мактабда волейбол бизнинг энг севимли машғулотимиз эди. Университетда ҳам волейбол тўгараклари бор. Талабалар учун шарт-шароитлар яратилган. Гуруҳимиз чорак финал баҳсларида барча рақибларни ютди. Энди чемпионлик учун «Тошкент-1», Фарғона ва самарқандлик талабалар билан куч синашамиз.

Ҳа, мусобақалар чиндан-да қизиқарли, кескин ўтмоқда. Қатнашчиларнинг нафақат баҳсларни юксак савияда ўтказишлари, балки бўш вақтлари мазмунли бўлиши учун барча имкониятлар яратилган. Универсиада иштирокчилари, мухлислари турли кўнгилочар тадбирларнинг шоҳиди бўлмоқдалар. «Универсиада маликаси» танлови, замонавий модалар кўргазмаси, бой дастурдаги концерт, С.Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали комедия театри спектакллари намойиши шулар жумласидандир. Шунингдек, вилоятнинг Қоракўл, Пешку туманлари ўйингоҳларида универсиада дастуридан ташқари кураш байрамлари, кўҳна шаҳарнинг «Ситора» мажмуида чим устида хоккей мусобақалари бўлиб ўтди. Энг муҳими, «Универсиада — 2002» мусобақалари республикамизнинг минглаб талабалари ҳаётида ўчмас из қолдирди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

«Универсиада — 2002» янги номларни кашф этмоқда. Шавкат Шарипов Бухоро давлат университети талабаси. У 100 метрга югуришда олтин медаль соҳиби бўлди.

✧✧✧

Суратларда: 1. Шавкат Шарипов. 2. Енгил атлетикачилар мусобақаси.

■ **Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

АНДИЖОНЛИК КУРАШЧИЛАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ

Универсиада мусобақалари дастуридан ўрин олган белбоғли кураш баҳслари Жондор тумани марказий ўйингоҳида қизғин ўтди. Андижон давлат университети талабалари бир неча бор Ўзбекистон чемпионлари — Шоядбек Ҳакимов (55 кг.), Жаҳонгир Қамбаров (73кг.), Ихтиёр Эгамов (81кг.), Зоҳиджон Жумақулов (90кг.)лар белбоғли курашда ўз вазнлари бўйича мутлоқ ғолиб бўлдилар.

Алп курашчилар эришган ютуқ Андижон вилояти жамоасининг универсиададаги дастлабки олтин медаллари бўлгани учун янада қадрлидир.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

Ҳиндистон Маданият марказида гулистонлик истеъдодли мусаввир Анорқул Бойбековнинг ижодий кўргазмаси очилди. Кўргазмани марказ директори жаноб Жозеф Винсент очаркан: «Санъат адабиётда сўз билан, мусиқада оҳанг орқали, суратларда эса бўёқлар воситасида яратилишини яхши биламиз. Улар бир-бири билан кўринмас ришталар ила узвий боғлиқдир. Анорқул Бойбеков мана шу учала жиҳатни ўз асарларига сингдира олган. Шунинг учун ҳам унинг ишлари бизни сеҳр дунёсига етаклайди», — деди.

Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ёш ижодкорни қутлаб, ижод майдонига шиддат билан кириб бораётганидан мамнунлигини билдирди.

Мусаввир Анорқул Бойбековнинг «Сирдарё тонги», «Ёмғирдан сўнг», «Шом», «Баҳор тонги», «Куз» сингари асарлари кўпчиликни ҳайратга солди.

■ **Сарвар ЎРМОНОВ**

КЕКСАЛАРГА АРЗОН МОЛЛАР

«Олотматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти қарияларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Олот шаҳрида фахрийлар дўконини ташкил этди. Қариялар бу дўкон орқали 8 турдаги зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга ўзларига асқотадиган тўн, белбоғ, дўппи ва бошқа кийим-кечакларни 20 фоиз арзонлаштирилган ҳолда харид қилиш имкониятидан фойдаланяптилар.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

XORIJDA

ТОВОН ТЎЛАШГА РОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси осмонида юз берган авиаҳалокат билан боғлиқ ишга ҳали ҳам нуқта қўйилгани йўқ. РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Ливия раҳбарияти ҳалокатга учраган «Пан-Америкэн» компаниясига қарашли самолёт йўловчиларининг қариндошларига 2,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлашга рози эканлигини билдирди.

Унга кўра, қурбон бўлган ҳар бир йўловчининг оиласига 10 миллион АҚШ долларидан товон берилади. Келишувга биноан, пул босқичма-босқич бериб борилади. Яъни, 2,7 миллиард АҚШ долларининг 40 фоизи БМТнинг, яна 40 фоизи АҚШнинг Ливияга нисбатан жорий этилган жазолари бекор қилинганидан кейин, қолган 20 фоизи эса АҚШ Ливияни терроризмни қўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхатидан ўчирганидан сўнг берилади.

Яқинда Шотландия суди Абдулбосит ал-Миҳроҳийнинг апелляциясини рад этган эди. Жамаҳирия фуқароси бўлган бу одам самолётни портлатишда айбланиб, Ливия томонидан Шотландия судига топширилганди. У умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Ливиянинг товон тўлаш ҳақидаги қарори ана шундан кейин қабул қилинди.

Ўша авиаҳалокатда 259 нафар йўловчи ҳамда ҳаво кемаси экипажининг аъзолари ҳалок бўлганди. Самолётнинг шаҳарчага қулаб тушиши локербиликларнинг ҳам бошига кулфат келтирди. Ўн бир киши уйида ўтирган жойида ҳалок бўлди.

ЕР СИЛКИНИШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Пайшанба куни Тайбейда кучли ер силкиниш кузатилди. Сейсмологлар тарқатган маълумотларга кўра, зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллга етди. Жабр кўрганлар ва қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Биринчи ер ости силкиниши тунда рўй берган. Тахминларга кўра, ер қимирлаш маркази Тайбей ҳудудида бўлган. Кундузи зилзила яна такрорланган.

Шунингдек, Жанубий Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида ҳам 2 балл кучланишли зилзила қайд этилди. Жабрланганлар йўқ.

ОБ-ҲАВО НОҚУЛАЙЛИГИ САБАБ



Бу йил Қримда об-ҳаво ноқулай келиши оқибатида бошоқли дон экинларидан катта зарар кўрилиши кутилмоқда. Шунинг учун пайшанба куни Умумқрим йиғини қатнашчилари солиқда имтиёзлар берилишини ва давлат кредити ажратилишини сўраб Украина ҳукуматига ва парламент раҳбариятига мурожаат этдилар.

Шу кунларда ўлкадаги фавқулодда вазиятни ўрганиш учун Киевдан давлат комиссияси келиши кутилмоқда, дейилади «Новости» агентлиги тарқатган хабарда.

АЭРОПОРТ ЁПИЛДИ

Руминиянинг йирик аэропорти дрозофил пашшалари босқини сабаб ёпилди. Гап шундаки, миллионлаб пашшалар ғаласи Бухарестдаги Отопени аэропортидан учадиган барча рейсларни тўхтатиб туришга мажбур этди. Аэропорт вакилининг айтишича, пашшалар ғаласи босқини пайтида самолётлар учиши хавфли, негаки пашшалар двигателнинг ҳаво турбиналарига кириб қолиб, уни ишдан чиқариши ёки ҳалокатга йўлиқтириши мумкин. Бундан ташқари самолётнинг ер билан алоқасини узиб қўйиши ёки радарларни ишдан чиқариши турган гап. Бироқ шундай бўлсада, учувчилар Бухарест-Болонья рейсини амалга оширмоққа уриниб кўришди. Лекин ҳавода пашша кўплигидан яна қўниш майдонига қайтишди. Ҳозир аэропорт ҳудудини пашшалардан тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

АРМИЯ ШАҲАРНИ ТАШЛАБ ЧИҚДИ

Исроил армияси Хеврон шаҳрини ташлаб чиқди. 40 та зирҳли машиналарда армия шаҳарга киритилган эди. Шундан сўнг аскарлар барча уйларни тинтиб чиқишди. Ҳарбий рейд натижаси ўлароқ 4 фаластин жангчиси қамоққа олинди. Исроил армияси бу фаолиятини шарҳлашдан бош тортган бўлса-да, ҳарбий манбалар бу «аниқ мақсадли босқинчилик» эканлигини кўрсатиб турибди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган маълумотларда.

МАҲБУСЛАР КАМАЙДИ

Бугунги кунда Россияда озодликдан маҳрум этилган маҳбуслар сони 959 минг кишини ташкил этади. Мамлакат адлия вазирининг ўринбосари Юрий Калинин матбуот конференциясида маълум қилишича, бундан 2 йил олдин маҳбуслар 1 миллион 227 минг кишидан иборат эди. Унинг фикрича, қамоқхоналардаги маҳбуслар сонининг камайишига сабаб шуки, давлат бу масалага ўз қарашларини ўзгартирди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва уларга қамоқ жазоларини қўллаш масалалари 2000 йилдан янгича тартиб касб эта бошлади. Шунинг учун ҳам бу йил январда бир неча қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Бунга кўра энди жазо турлари ҳам ўзгаради, яъни жиноятнинг қандай малакаланишига қараб, мажбурий ишга жалб этиш, озодликдан маҳрум этиш ва қамоқ муддатларини қисқартириш амалда қўлланилади.

БИР СОНИЯДА 300 ТРИЛЛИОН ОПЕРАЦИЯ

Йилдан-йилга компьютернинг янги авлодлари кашф қилинмоқда. Яқинда Япония фан ва маориф вазирлиги бир сонияда 300 триллион операция бажарадиган суперкомпьютер яратишни режалаштирганини эълон қилди. Ушбу машина ҳозир энг кучли, деб тан олинган компьютердан ҳам ўн марта тез ишлайди.

Вазирлик раҳбари Ацуко Тояминнинг айтишича, ижро жараёни беш йилга мўлжалланган ушбу лойиҳанинг баҳоси 70 миллиард иенни ташкил этади (550 миллион АҚШ доллари). Гап шаффоф толали технология ёрдамида бир қанча суперкомпьютерларни бирлаштириш ҳақида бормоқда. Янги машинани био ва нанотехнология, ярим ўтказгичларнинг учинчи авлоди, ўта кучли хотира яратиш, генетика муҳандислиги каби соҳаларда қўллаш мўлжалланмоқда.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

СЭН-ЧЖАО — ХИТОЙЛИК ФАЙЛАСУФ. 384-414-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Нарсалар фақат ҳозир мавжуддирлар, улар ўтмишда бўлмаганлар. Қиш қишдир, у баҳор бўла олмайди.

БОЭЦИЙ — РИМЛИК ФАЙЛАСУФ, СИЁСИЙ АРБОБ. 480-ЙИЛ АТРОФИДА ТУҒИЛИБ, 524-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

● Тақдирнинг барча тақозоларида, энг катта бахтсизлик, бу — ўтмишда бахтли бўлиш.

● Азалдан маълум ушбу саволни қайтадан бериш адолатдан эмасми: «Агар Худо бор бўлса, ёвузлик қаердан? Ва, агар Худо йўқ бўлса, яхшилик қаердан?»

● Бузуқлик бежазо қолмайди, чунки, бузуқ бўлишнинг ўзиёқ, жазодир.

● Имкони бор жойда, ишончни ақл билан боғла.

● Ҳеч бир киши, агар у риёзий амалиётга мутлақо ёт бўлса, илоҳий нарсалар ҳақидаги тушунчаларни англаёлмайди.

● Сен эркин руҳга бирон-бир нарсани буюра оласанми?

ДАВИД АНАХТ (ЕНГИЛМАС) — АРМАН ФАЙЛАСУФИ. V-VI АСРЛАРДА ЯШАГАН:

● Подшо авом билан бевосита гаплашиб, ўзини булғамаслиги, балки, бунинг учун ҳокимларни тайинлашидай... фалсафа ҳам санъатларни олдинга чиқаради, улар ёрдамида уларнинг мавзуларини ўрганади... Фалсафа, фанлар орқали, уларнинг мавзуларини ўрганиш учун, уларни олдинга чиқаради...

● Фалсафанинг инсон қалбини кўркамлаштириш ва безаш учун мавжудлигини билиш зарур.

● Фалсафа ёмонликдан қочишдан ўзга нарса эмас.

● Мен кўп нарса биладиганни, шунингдек, кўп нарса тўғрисида фикр-мулоҳаза юритадиганни эмас, балки, ҳалол-пок ва бенуқсон ҳаёт тарзи юритаётганни файласуф, деб атайман.

АЛ-ФАРАЗДАҚ (АСЛ ИСМИ ВА ШАРИФИ — ХАММОМ ИБН ҒОЛИБ) АРАБ МУТАФАККИРИ. 641-732-ЙИЛЛАР АТРОФИДА ЯШАГАН:

● Кўкат умид қилган эдики, бўй чўзиб улғайганида, унга яхши бўлади, бироқ, кейинчалик, ўз оғирлигини кўтара олмай, қайфияти тушиб кетди.

АЛ-АШЪАРИЙ – АРАБ МУСУЛМОН ИЛОҲИЁТЧИСИ, ФАЙЛАСУФ. 873 - 935 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Билим, кимдаки у бор бўлса, ундан билишни талаб қилувчидир.

УМАР ИБН АЛ-ХАТТОБ – АРАБ МУТАФАККИРИ. X-XI АСРЛАРДА ЯШАГАН:

● Ҳамма ишлар — ниятларга яраша.

● Бой бўламанми ёки камбағал, менга барибир, негаки, мен учун қай бири яхши эканлигини билмайман.

АЛ-ХУСРИЙ – АРАБ МУТАФАККИРИ. ТУҒИЛГАН ЙИЛИ НОМАЪЛУМ, 1061-ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

● Қалбда туғиладиган сўзлар қалбларга етиб борадилар, тилда туғиладиган сўзлар эса қулоқдан нарига ўтмайдилар.

● Ёлғончи одам ўғридай, фақат ўғри бисотингни ўғирлайди, ёлғончи эса — ақлингни.

● Ўлим, бу — сенга отилган ўқ, ҳаёт эса — у сенга етиб боргунча ўтадиган лаҳза.

АНСЕЛЬМ, КЕНТЕРБЕРИЛИК. ИТАЛИЯЛИК ИЛОҲИЁТЧИ, ФАЙЛАСУФ. 1033-1109-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Мен тушуниш учун ишонаман, бироқ, кейин ўзил-кесил ишониш учун тушунишга ҳаракат қилмайман.

● Худонинг мавжуд эмаслигини хаёлга келтириб бўлмаслик ҳолатининг ўзи Унинг хусусиятларидан бирини ташкил этади.

● Ким ўзини паст тутса, у Худонинг олдида иззатдадир; ким ўзига ёқмаса, у Худога ёқади. Парвардигорнинг нигоҳида улкан бўлиб кўриниш учун ҳам ўз кўзларингда арзимас бўлиб кўрин; сен одамлар фикрида қанча одми бўлсанг, Худо сени шунчалик кўп қадрлайди.

● Сизга фақат зарбалар билангина олтин ёки кумуш парраклардан нозик ҳайкалчани яратишга чиранган ҳунармандни учратишга тўғри келганми? Менимча, йўқ. Аслида, бу қандай юз беради? Керакли қиёфани ясар экан, уста гоҳ ўзининг қуроли билан япроқни аста сиқади ва уради, гоҳ моҳирона эркалатиш билан уни силлиқлайди ва текислайди. Ўқувчиларни тарбияловчилар ҳам худди шундай қилмоқлари лозим.

● Мен агар ишонмасам, тушунмаслигимга ҳам инонаман.

● Модомики, ҳар бир фаросатли руҳ учун, Парвардигор, Сенинг ҳамма нарсаларга қараганда кўпроқ даражада, мавжуд эканлигинг шундоққина ўз-ўзидан тушунарли бўлгани ҳолда, нечун беақл ўз қалбида: «Худо йўқ», деди? Нечун, агар, бу унинг тентаклиги ва беақллигидан бўлмаса?

СУ ДУН-ПО (АСЛ ИСМИ ВА ШАРИФИ – СУ ШИ) – ХИТОЙЛИК МУТАФАККИР, ШОИР. 1037-1101-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● **Ўрганиб бўлмайди:** олижанобликка; истеъдодга; ақлиликка; дадилликка; қатъиятлиликка; яхши иштаҳага.

● **Қайтариб бўлмайди:** айтилган сўзни; ютқазилган пулларни; майдан мажруҳ бўлган соғлиқни; нарса совға қилиш тўғрисидаги, оғиздан чиқиб кетган ваъдани.

АБУ ҲОМИД АЛ-ҒАЗЗОЛИЙ – ЭРОНЛИК МУСУЛМОН ИЛОҲИЁТЧИСИ, ФАЙЛАСУФ. 1058-1111-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Барча файласуфларда, улар кўплаб тоифалардан қай бирига тааллуқли бўлмасинлар, битта ягона тамға — ишонмаслик ва даҳрийлик тамғаси ётади.

● Инсоннинг бахти — ўзини Худога бағишлаши ва қурбон қилишида.

● Худони билишдан аввал, ўзни билмоқ лозим.

● Билиш мумкин бўлганни билмаслик — билмоқ демак.

● Кўрган нарсангни қабул эт, эшитганингни унут; Қуёш чиққанида, у бизни Зуҳални мушоҳада қилишдан халос этади.

● Билим, унинг соҳибига муносиб тарзда ҳаракат қилиш қобилиятини берадиган, хусусиятдир.

● Шогирд, устоз билими даражасига эришмагунига қадар, ўз устозини чинакамига билмайди.

ПЬЕР АБЕЛЯР – ФРАНЦУЗ ИЛОҲИЁТЧИСИ ВА ФАЙЛАСУФИ. 1079-1142-ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Кўп нарсалар тўғрисида, гапирганга қараганда, дадилроқ ёзиш мумкин.

● Олдиндан тушуниб олинмаган нарсага ишонч комил қилиш мумкин эмас.

● Шубҳаланиб, биз тадқиқотга келамиз, тадқиқ этиб, ҳақиқатга эришамиз.

● Ҳар қандай фалсафий муҳокамада обрў энг кейинги ўринга қўйилади ёки у бутунлай эътиборга олинмайди.

● Ёшликдаги гуноҳларимизни кексаликда ювишга тўғри келади.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

**Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ҲАНГОМА

СИРДАРЁ «РОБИНЗОН»ЛАРИ

Декабрь ойининг ўрталари. Олтиариқ туман овчилар жамияти раиси Муҳаммадали Рустамов риштонлик дўсти Хиббат Азимов билан Сирдарёга ўрдак овига жўнашди.

Сирдарёнинг қуйи оқимида анчагина ороллар бор. Фақат қайиқларда сузиб бориш мумкин бўлган бу ороллардаги манзара табиийки, гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу ерда тўронғи, шумтол, тераклардан иборат ўрмонлар шовуллайди. Икки дўстга андархонлик овчи Неъматжон ҳам қўшилиб моторли қайиқда орол томон сузишди. Оролга яқинлашганларида қунботар томондан кучли шамол турди. Бундай шамол эса овчиларга қўл келади. Боиси, бўрон Қайроққум сув омбори ҳавзасида сузиб юрган паррандаларни қўзғатиб, учириб юборади. Қизиғи шундаки, шамолда ўрдаклар на тўлқинланаётган дарёга қўна олади, на баланд учади. Пастлаб учган ўрдакларни нишонга олишни эса ҳаваскор овчи ҳам эплайди.

Дўстлар омад юришганидан севиниб, қирғоқда тўхташди-ю, ов анжомларини кўтарганча ғужғон қушлар пастлаб учаётган томонга ошиқишди. Ов бошланди... Осмонда гала-гала ўрдак... Бехато нишондан улар бирин-сирин қулаяпти. Бирпасда ўлжалар ўн-ўн бешта бўлди. Овчилар мамнун бўлиб қирғоққа қайтишди. Буни қарангки, шошилинчда қайиқ яхши боғланмаган экан. У тўлқин зарбига дош беролмай, оқиб кетибди. Қайиқда эса овқат, иссиқ кийим, тўшаклару чодир ҳам бор эди.

— Ана, холос! — дея бош чайқашдан ўзга илож йўқ эди. Овга берилиб уст-бошлари юпунлигини сезмаган учовлон кутилмаганда аёзбобо нафасини ҳис этгандай бўлишди.

Соҳилгача сузиш ё бақириш, бефойда... Фақат ўзларига ўхшаган бирор овчининг тасодифан келиб қолишига умид боғлашдан бўлак йўл йўқ.

— Яхшиямки Неъматжоннинг чўнтагида гугурт бор экан, — дейди Муҳаммаджон. — Қуриган, синган дарахтлардан гулхан гуриллади. Бироз исиниб, ўлжа ўрдаклардан тузсиз кабоб тайёрладик. Хуллас, учкеча-ю уч кундуз оролда, совуққа чидаб яшадик. Тунлари гулхан атрофида бироз мизғиб олдик. Ниҳоят, тўртинчи куни қўқонлик овчи Мансурхон Бобохонов қайиқда келиб қолиб, жонимизга аро кирди. Уч кунда уч йиллик машаққат тортдиг-ов. Лекин биласизми, одамзот ўйлайверса, ҳамма нарсанинг иложини топаркан...

Уч кунлик синовдан сўнг икки овчи ана шундай хулосага келишди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 75-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияларининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
44
46
52
19
41
28
16
3
10
45
60
Сони: 4
Сумма: 2000000
Чипталар рақами
20061075.3
20076372.1
30084112.3
60001594.2

2 ТУР
51
63
38
42
34
75
23
67
80
Сони: 1
MATIZ авто-мобили Чипта рақами
10034702.2

3 ТУР
56
76
50
35
24
66
53
32
61
33
7
83
85
89
90
8
87
1
21
29
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар рақами
40026878.3
50169630.1

4 ТУР
22
79
47
86
39
31
17
88
15
13
73
40
6
74
84
4
62
36
59
71
25
Сони: 3
Сумма: 2666666
Чипталар рақами
20052605.2
70120382.3
90082538.2

5 ТУР
5
20
18
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
10086193.1
70010781.1
80020800.1

6 ТУР
12
26
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20018537.3

7 ТУР
9
70
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
80124473.2

8 ТУР
30
Сони: 3
Видеомагни-тофон
Чипталар рақами
30089497.3
40063972.3
50067138.1

9 ТУР
48
Сони: 6
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
20092621.2
50048246.3
60061991.3
60084743.3
70038175.2
70112164.1

10 ТУР
11
Сони: 12
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
10067594.1
10125231.2
30021054.2
40035379.2
40124603.2
50090895.3
50147353.2
50153860.1
80035365.3
90049274.1
90050866.2
90062698.3

11 ТУР
49
Сони: 13
Сумма: 1500

12 ТУР
2
Сони: 16
Сумма: 1400

13 ТУР
78
Сони: 30
Сумма: 1300

14 ТУР
43
Сони: 52
Сумма: 1200

15 ТУР
65
Сони: 118
Сумма: 1100

16 ТУР
72
Сони: 156
Сумма: 1000

17 ТУР
77
Сони: 203
Сумма: 900

18 ТУР
58
Сони: 515
Сумма: 800

19 ТУР
57
Сони: 855
Сумма: 700

20 ТУР
69
Сони: 1250
Сумма: 600

21 ТУР
37
Сони: 1651
Сумма: 500

22 ТУР
14
Сони: 2362
Сумма: 400

23 ТУР
81
Сони: 4289
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 127
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
27, 54, 55, 64, 68, 82

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 6 июндаги 76-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
2 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
3 ТУР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
4 ТУР – «Нексия» автомобили,
5-10 ТУРЛАР – ҳар бир ютуқ соҳибига телевизор,
Қолган турларда пул ютуқлари.
Чипта баҳоси – 300 сўм

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчиларидан сотиб олиш мумкин.

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 13 июндаги 77-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
2 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
3 тур – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
4 тур – NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда – ҳар бир ютуқ ТЕЛЕВИЗОР
Ва қолган пул ютуқлари

Баҳоси атиги 300 сўм

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй. Мўлжал: "Украника" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Диққат янгилик! Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-чи турдан 10-чи тургача ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади. Ўйнанг!!! Бахтингизни қўлдан бой берманг!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Тошкент вилоят муниципал биржаси шуни маълум қиладики, 2002 йил 20 ва 27 июнь кунлари режалаштирилган кимошди савдосига («Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 18 май 61-сонида эълон қилинган) Тошкент вилоят хўжалик судининг 2002 йил 1 мартдаги 110206-45/81 сонли буйруғига асосан Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан хатланган Оққўрғон туман «Машина-трактор парки» АЖга қарашли автотранспортлар қўйилган эди.

Ушбу корхонанинг 2002 йил 20 майдаги 92-сонли «Асосий воситаларини қайта баҳолаш тўғрисида»ги, Оққўрғон давлат солиқ инспекциясининг 2002 йил 28 майдаги 12-654 сонли хатига асосан қуйидаги автотранспортлар қайта баҳоланиб, 2002 йил 20 ва 27 июнь кунлари бўладиган кимошди савдоларидан олиб ташланади ва 2002 йил 4 ва 11 июлда ўтказиладиган кимошди савдоларига қайта қўйилади.

№	Мулклар номи, транспорт воситалари русуми	И/Ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси, сўм
1	«Мос-412»	1987	11 АС 548	870000
2	Ем-хашак майдалагичи	1992		300000
3	«Газ-53» (бензавоз)	1986	11АК 872	470000
4	«Кавз-685»	1985	11АК 866	1612000
5	«Газ-53 б» (самосвал)	1978	11АК 205	650000
6	«Зил-554» (самосвал)	1975	11АК 201	132000
7	«Газ-53» (бензавоз)	1990	11АК 871	1200000
8	«Газ-52» (бортовой)	1975	11АК 199	450000

Барча саволлар бўйича 56-30-12, 56-61-64 телефонлари бўйича мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уй. «БИЗНЕС МАРКАЗ»нинг 2-қавати.

«СУЙМАГАНГА СУЙКАНМА» ЯНА САҲНАДА

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театрида Сапар Хўжаниёзовнинг «Суймаганга суйканма» комедияси қайта саҳналаштирилди. Асар ҳозирги ҳаётимизга мослаб қайта ишланди. Бу гал асарни Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат мукофоти совриндори Н.Ансатбоев саҳнага олиб чиқди. Унга рассом И.Алибеков билан дирижёр Ш.Пахратдиновлар кўмаклашдилар. Қўшкинбой образини Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат мукофоти совриндори Ж.Султабоев, Гулсанамни Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти М.Халмуратова, Ойсанамни артист А.Дарменқуловалар ижро этиб, саҳна асарига янгича сайқал бердилар.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

«КАРБОНАТ» ОТАЖ акциядорлари диққатига!

«Карбонат» ОТАЖ акциядорларининг 2001 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 28 июнь куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Фориш тумани Боғдон ширкатлар бирлашмаси, «Карбонат» заводи биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Карбонат» ОТАЖнинг 2001 йил якуни бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳиоботи
2. Жамиятнинг 2001 йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссияси (аудитор) хулосасини тасдиқлаш
3. «Карбонат» ОТАЖ Кузатув Кенгаши раиси ва аъзоларини сайлаш
4. «Карбонат» ОТАЖ Тафтиш комиссиясини сайлаш
5. Бошқа масалалар

Манзил: Жиззах вилояти, Фориш тумани, Боғдон ш/б. тел: 4-56-63

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси бош директори Азиз Шоалимовга онаси **Минаварнисо ШОМУРОДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона Давлат университети томонидан 1994 йилда Бобоева Дилдора Аҳмаджоновна номига берилган № 047847 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Tursunali O'RMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 24.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA